



## ЖОҲИЛИСТОН КЕЛИНИ. (1-қисм)

31 may 2020. Muallif: Bayyina.uz

Таржимон: Аброр Адҳам ўғли

Қўлингиздаги ушбу асар Туркияда “Асир жуфтлар” (“Esir Evliler”) номи билан чоп этилган бўлиб, унда жоҳилликнинг қанчалар оғир кулфат экани ва у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида бу дунёда баҳтдан бебаҳра қолган аёл-қизларнинг ҳаёти мисолида ҳикоя қилинган.

Олти ойгина аввал турмуш қурган дугонам Нафиса ўзини Ўлдириб қўймасин деб жоним ҳалак! Эҳ, мен сизга айтмаган яна бошқа нарсалар ҳам бор. Бу ерлар лов-лов ёняпти, бу ерлар хароб бўляпти, илтимос, тезроқ келинг! Ҳатто тоғлар ҳам аҳволимизга кўз ёш тўкяпти, сиз беэътибор бўлманг”.

## Осуда

|

Шубҳалар ичра бойчечак излаб

Кўзимни очиб қарасам, қош қорайибди. Қор эса ҳали ҳам ёғяпти.

Қор ёғишини ҳайрат билан томоша қилаётib ухлаб қолибман. Шунчалар чиройли ёғяптики, ҳайрон бўлмай иложи йўқ. Ўзимни чалғитишимга тўғри келган онларда хаёлимни қор парчалари олиб қочгани жуда соз бўлди-да. Гўё бу парчалар қалбимга илиқлик олиб кираётгандек.

Болаликдаги ўртоқларим билан қишлоғимизда эмишмиз. У пайтларда Синонўғли<sup>[1]</sup> қишлоқ эди. Сакаря<sup>[2]</sup> соҳилигача яёв келдик. Ҳаммамиз бола эканмиз... Қорнинг қалинлиги бўйимизнинг баландлигидан ошиб кетибди. Ўйин-кулги қилганча курак билан ўзимизга йўл очиб, Сакаря кўпригидан чиқиб қолибмиз. Кўприкдан пастга қараб, шўх-шодон ўйнаганча ҳаётдан оний бўлса-да узоклашиб, қорбўрон ўйнагандан кейин пастга сакрадик... Сакарянинг гирдобрлар ҳосил қилиб оқадиган суви дам қорқайиқقا, дам учадиган оппоққина ипак гиламга айланар, бизни тинмай олиб қочарди.

Кейин ўртоқларим бирданига ғойиб бўлди. Оқшом чўкай деб қолган. Йиғлашга тушаман ва кўрганларим туш эканини тушимдаёқ тушуниб, жуда ўксинаман. Дафъатан улғайганим, ҳатто қариганим эсимга тушади.

Тушим зерикарли тус олди. Тўлқинлар узра ястаниб ўйлай бошладим: кечагина шу Сакаря кўпригининг устида ўйнаётган эдим, ўйин қачон тугай қолди? Мен қачон улғайдим, нега бунчалар тез қаридим? Ахир, булардан бехабарман-ку!

Маъсумгина бу тилагим амалга ошмади ва дунёга қайтдим. Бир кун у ҳам туш сингари ўтиб кетади ва охири йўқ ҳақиқат оламига сафар бошланади.

“Ушлаб қолсам эди ҳаётнинг қанотларидан”, дейман устозга тақлидан. Ҳақиқат эса менга ҳайқиради: “Ушлаб

қололмайсан!” Эҳ, буни ўзим ҳам биламан. Чунки мени учирган қанотларни кўролмайман, инчунин, қанот қоқиши менинг ихтиёrimda эмас.

Димоғим чоғ бу оқшом. Руҳиятимни таърифлаб бера олмайман. Ҳис-туйғуларим жўшиб кетган, ичим тўла ҳаяжон. Чунки бу кеча жуда муҳим романни ёзишга киришаман.

Бирорни кутиб ўтирмай, ўзингиз бошлай қолинг, дейишади-ку. Шундай экан, дарҳол “Кони”[3] номли романни ёзишни бошлайман. Шу кечадаёқ. Қаламимга ҳеч аралашмай, уни руҳимнинг қўлларига топширсам қандай бўларкин... Қалбим ҳис қилган нарсаларни ёзсин, ўнгу сўлида ирмоқлари бор сой сингари тўхтамай оқсин. Эътибори фақатгина нур билан чизилган чегараларда бўлсин, бошқа нарсаларни парвосига келтирмасин. Дўст экани ҳақида зарра қадар далил кўрсатолмаган сасларга вақт сарфлаб ўтирмасин.

Нега бўлмас экан? Мен бу романни хаёлимда, қалбимда ва руҳимда йиллар давомида пишитдим. Охирги сўзигача ҳамма нарсасини тасаввуримга муҳрлаганман. Қолаверса, кўпларнинг бошидан ўтган, ҳали-ҳануз давом этаётган ҳаёт бу. “Кони” романидаги ҳаёт - ўзига хос ажиб мавзу.

Майли.

Бу кеча мен учун ўзгача ўтади. Бу романни ёзишни ичичимдан шунчалар хоҳляяпманки... Баъзилар бу истакни илҳом деб атайди. Ҳа, чиндан-да илҳом бу, ўзимни қўярга жой тополмаяпман. Қолаверса, маҳзунман. Менимча, айнан шундай пайтларда яхшироқ ёзаман.

Бу кечанинг яна бир хусусияти бор. Деразага урилаётган қор учқунлари кўзимга бошқача кўриняпти. Қанчалар гўзал манзара! Жуда ҳам ёқяпти. Қолган фаслларни ҳам ёқтираман, лекин қишида қор ёққан палланинг ва апрелда ёмғир ёққан дамларнинг мен учун ўрни бўлакча.

Нашриётдан бир халта мактуб келган. Романни ёзишга ўтиришдан олдин шуларни ўқий дедим. Ундай демасам бўларкан.

Бирма-бир ўқиб, мавзуларига кўра ажратиб чиқдим. Қарасам, бу халта дунёning бутун дардини ичига сиғдиргандек турибди. Турмалардан келган мактубларнинг сони кўпроқ, улар қанчадан-қанча ўғлонлар зулмнинг қурбони ўлароқ тутқунликда эканининг очик-ойдин далилидир. Ташқарида инсонлик номига доғ туширганлар бамайлихотир юрган, қанчалаб маъсум қалбларни зардоб билан тўлдираётган, ҳали она сути оғзидан кетмаган қизларнинг номусини поймол қилаётган бир пайтда бу маҳкумлар битган сатрларга ўзгача кўз билан қарамасликнинг иложи йўқ. Эридан ёки хотинидан шикоят қилиб, ечим қидирганлар ҳам мактуб йўллаган. Диний мавзуларда дилига ғулғула солиб қўйилганлар ҳам. Тўйни қандай ўтказиш ҳақида маслаҳат сўраганлардан тортиб севгилисига қўнғироқ қилишим ўтинганларгача бор. Болалардан келган хатларни айтмайсизми. Телевизорда кўрганларидан улги олишга маҳкум этилган болажонларимиз юборган мактубларни кўриб беҳад қувонаман. Яхшиямки, улар учун анчагина китоб ёздиқ.

Халтадан чиққан бир мактубнинг сахифалари чўғ мисоли куйдирди мени. Кошки бу хатларни ўқиш ўрнига романни ёзишга киришганимда! Бутун диққатим “Кони”дан шу мактубга ўтди. Турли-туман ҳис-туйғулар гирдобига тушиб қолдим.

Роман ёзаётганимда ғам-андуҳларнинг бирин-кетин тизилишини истамайман. Гоҳида машмашалар мени тинч қўйишини шунчалик хоҳлайманки, кошки мен романда тасвирлаган жойларнинг рангларини, табиатнинг анвойи ҳидларини ўқувчига етказа олсан, осмондан тўкилаётган қор учқунларини китобни мутолаа қилиб ўтирганларнинг деразаси томон ҳайдолсан, сахифалар орасидан озроқ бўлса-да руҳиятим бўй кўрсатса...

Деразанинг олдидаги диванга ўтирдим. Мен аслидек тасвирлай олмайдиган гўзалликка мафтун бўлган кўйи уни жуда соғинганимни яна бир бор ҳис қилдим. Охирги уч йилда айни қор ёғадиган пайт бирор иссиқ ўлкада бўлаётган эдим. Энди эса оҳистагина ёғаётган паға-паға қорга тикилиб ўтирибман.

Ҳар мавсумда бу деразанинг ортида ўзгача чиройни кўраман. Аммо ана шу гўзалликларни кўриш учун инсоннинг кўнгил дунёси долғали бўлмаслиги керак. Юзим кулиб турган пайтда қаерга қарамай, албатта, чиройли нарсаларни кўраман. Ҳар мавжумдаги ўзгаришларда... Қанот қоққан оқчорлоқларда... Томдан оқиб тушаётиб сумалакка айланган томчиларда... Кўкламда кўрина бошлаган капалакларда...

## ЖОХИЛИСТОН КЕЛИНИ. (2-қисм)

1 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

Дарвоқе, мактублар ҳақида гапираётгандим. Айниқса Осуданинг ёзганлари ақлимни ҳам йиғлатиб юборди.

Яратилган ҳар нарса йиғлайди, биз кўрмасак-да, йиғлайди.

Шунча хатнинг ичидан Осуданинг мактуби менга қаттиқ таъсир қилди. Мана шундай дард тўла сатрлар, бу сатрларда тасвирланган ҳаётларни бошидан ўтказаётганлар бор экан, кўнгилга хотиржамлик сиғмайди. Аслида оҳистагина ёғаётган қор парчалари менга бахшида этган ажиб ҳислардан асло айрилгим йўқ. Менга қолса, уларни қўйиб юбормайман. Лекин каминадан ким ҳам рухсат сўрарди дейсиз. Романимни бир бошлаб олсан борми, ишончим комилки, давоми шошқалоқ сувдай қўйилиб келади. Аммо Осуданинг хати ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборди.

Мактубларни қўйиб, деразага суяндим.

Яна ёғаётган қорга тикилдим. Баҳри дилимни очди. Биласизми, ўзимни камалакка ўхшатаман. Камалакда етти хил ранг жило сочаётгандек кўринади, лекин ўша етти рангнинг орасида номи йўқ шунчалик кўп ранг борки...Ўша турфа ранглардан айрилиб Осуданинг мактубига ғарқ бўламан...

Биламан, Осуданинг ким эканига ва у нималар ҳақида ёзганига қизиқяпсиз. Ҳечқиси йўқ, истаганча қизиқишингиз мумкин. Ахир, романни ўқишга туртки берадиган уч омилдан бири қизиқиши эмасми?..

Бироз тоза ҳаво олиш учун балконга чиқдим. Эх-хе, балконга анчагина қор йиғилиб қолибди. Қорни юмалоқлаб ўйнай бошладим. Қарасам, күчадан дугонам Гулхон ўтиб кетяпти. Қўлимдаги қорни бошига тегмайдиган қилиб у томонга ирғитдим. “Бу ёшдаги хотин ҳам қорбўрон ўйнайдими?” дейиши, нима гуноҳу нима гуноҳ эмаслигини суриштириши учунгина отдим. Чунки шундай ваъзлар эшитибди, унга қолса, ҳатто гул ҳидлаш ҳам ҳаром. Бечора, янглиш танибди Аллоҳни, ҳалол нарсаларни ҳам ўзи учун ҳаром санаб юрибди. Қортўп тегиши билан ҳайрон бўлди. Менга қаради. “Бу нимаси? Бу ёшдан ақлдан оздингми?” – дегандек туйилди.

Нихоят, қор ёғиши тўхтади. Қаҳратон совуқ бошланди. Ой шуъласи тушиб турибди. Бу кеча ҳамма нарса аралаш-қуралаш ва айни пайтда бағоят гўзал. Қизик, бу онларни ҳаёт дафтарига битаётган неча киши бор?.. Айни лаҳзаларда кўз ёши тўкаётган, жонини Ҳаққа топширган ёки масурурликдан боши кўкка етгудек бўлганлар-чи?..

Йў-ў-қ! Ёмон, аламли нарсаларни хаёлимга келтирмаслигим керак! Ҳозирданоқ мени ҳаяжонга солаётган романимни ёзишга хаёлим алғов-далғов ҳолатда киришишни истамайман.

Осуданинг хатига кетиб қоляпти хаёлим. Унда ҳикоя қилингандар умрлар ҳақида алоҳида-алоҳида романлар битилса, ёзувчилар ёзиш асносида кўз ёшларини тия олмаслиги тайин.

Оҳ, Осуда, оҳ! Мендек таъсирчан одамга хат ёзиб бўларканми!..

Хат деганинг эсимга тушди: баъзи мактубларнинг эгалари мени яхши кўришини айтган бўлса, айримлари ҳақорат ёғдирган. “Ёзувчи бўлмоқчиман, қандай маслаҳат берасиз?” деб сўраганларнинг сони эса кун сайин ортятти. Қандай ажойиб! Бу орзуманд йўловчиларнинг баъзилари ярим йўлда қолдириб кетилса-да, айримларининг ҳаваси ўлдирилса-да, ичларидан юлдуз мисоли порлайдиганлар ҳам чиқади.

“...Мен сизга Оқденгиз[2] ҳудудидаги бир қишлоқдан ёзяпман. Қишлоғимизнинг номини сир тутишингизни сўрайман.

Нафиса ўзини ўлдириб қўймасин деб кутишдан чарчадим. Менга ишонинг, олдин ҳам айтганимдек, бу ерлар лов-лов ёняпти, бу ерлар хароб бўляпти. Илтимос, тезроқ келинг! Гарчи ўтиниб сўраётган бўлсам-да, келишингизга умуман ишонганим йўқ. Лекин мен хаёлпараст қизман, умидлар оламининг бир вакиласи сифатида умид қилишдан тўхтамайман”.

Дугонам Нафиса олти ой олдин қўшнимизнинг ўғлига турмушга чиқсан. Неча марталаб ўзини ўлдирмоқчи бўлди. “Яшашимга имкон қолмади, яшолмайман”, - деяпти.

Гоҳида “Бўпти, ўзимни ўлдирмайман”, - дейди, лекин сўзларию кўзлари бунинг аксини айтиб туради. Дардини менга очмайди. “Сен қиз боламан, сенга айттолмайман, айтганим билан барибир тушунмайсан”, - дейди. Лицейни аъло баҳолар билан битирган қизман, ахир, у эса тушунмайсан деяпти. Асабим бузилиб кетяпти... Қайси даврда яшаяпмиз? Телевизорда кўрсатилмаган нарса қолдими ўзи? Лицейдаги ёшларни кўрсангиз, оғизларидан маҳрам мавзуулар тушмайди. Менимча, Нафисани тушуниш учун ўшалардан эшитганларим етиб ортади.

Кодли сейфга ўхшайди Нафиса. Сейфни очай дейману, кодини билмайман”.

Жуда ёмон оиласа келин бўлиб тушди. Бир оиладагиларнинг бари ёмон бўлиши мумкинлигини шуларда кўрдим. Масалан, бизнинг уйда онам жуда яхши. Отамнинг баъзи феъли яхши, баъзилари ёмон. Ўғлига “хотинингни ур” деган отам қайнанасининг атрофида парвона бўлади, ҳатто унинг учун жонидан кечишга тайёр фариштадек кўринади. Ҳайрон бўлиб қоламан!..”

• \* \*

“Оҳ, устоз! Келсангиз ўз кўзингиз билан кўрасиз: Нафиса аста-секин ўлиб боряпти. Отасининг уйига қайтишни истамаяптими, қайтолмаяптими, тушунмадим. Бир куни эри билан қайнатаси калтаклаб-калтаклаб комага тушириб қўйишибди. Кеча эса қайнанаси билан қайнинэгачиси уришибди. Телба бўлаёздим, телба! Буниси сабримни тошириб юборди.

Полицияга хабар берсамми ёки сизни чақирсамми деб роса үйладим. Сиз келсангиз, Нафиса қутулиб қоладигандек туйиляпти менга. Келинг, албатта, келинг! Мухлисларингиз ҳаққи-хурмати келинг. Биз учун ҳатто тоғлар ҳам йиғлаётганини ҳис қиляпман, лекин уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Нафиса нуқул касал, нуқул ётади. “Ёш бошим билан бунча азобни кўтаролмайман”, – деяпти”.

“...Ишонинг, бу мактубни ёзар эканман, кўзимдан оққан ёшларни тўхтата олмаяпман. Бизнинг маҳалла дардмандлар маҳалласига ўхшайди. Ота-отамнинг аҳволидан ҳам хафаман. Иккови бир-бирнини еб битиряпти. Тўғрироғи, отам онамни адойи тамом қиляпти. Янгам ҳам баҳтли эмас. Эри ҳарбий хизматда, қайнатасидан калтак ейди, мен эса ҳеч нарса қилолмаяпман”.

“Нафисага прокуратурага борайлик, сени калтаклашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ деяпман, у эса истамаяпти. Қўрқяпти аҳмоқ. Айбга буюрманг, устоз, бу сўзни ёзиб одобсизлик қилдим. Мен аҳмоқ деганим билан ундей эмас, жуда ақлли у. Лекин турмушга чиққанидан бери ғалати бўлиб қолган”.

“...Отамдан жуда ҳам қўрқаман. Бизни қон қусгудек қиласи, лекин меҳмонни жуда яхши кўради. Болохонани меҳмонлар учун ажратиб қўйган. Қишлоқقا ким келса, бизниги олиб келади. Сизни таклиф этмоқчи бўлганимни айтдим. “Сен ким бўлибсанки, бир қариб бўйинг билан уни чақирмоқчисан? Майли, чақириб кўр-чи, келадиган бўлса, қўй сўяман”, – деди. Тушуниб бўлмайдиган шунаقا феъли бор отамнинг. Келинини жинни қилаёзган отамдан шунга ўхшаш яхши гаплар ҳам чиқади”.

“...Аллоҳ ҳаққи-хурмати, пайғамбаримиз ҳаққи-хурмати, келинг. Қишлоғимиз жуда кўркам, бироз дам ҳам оласиз. Роман ёзасиз. Лицейни битиргач, мен ҳам ёзувчи бўлмоқчийдим, одамларнинг дардига қулоқ тутмоқчи, уларнинг ғам-аламларини қоғозга туширмоқчи эдим. Бўлмади. Келсангиз, сизга ёрдамчи бўламан, сиз эса роман ёзасиз. Демоқчиманки, биз сизга ёрдам берамиз, сиз эса бизга. Ахир, айтишади-ку, сиздан угина, биздан бугина”.

“Онамни ёқтириб қолишингизга ишончим комил. Ажабтовур иборалар, мақоллар чиқади ундан. Келинини худди қизидек кўради. Янгам Гулсаран ҳам жуда яхши. Менимча, оиласизни яқиндан таништирсам, келиш ҳақидаги фикрингизга таъсири бўлади.

“Кўп китоб ўқийдиган, хабарлару кўрсатувларни қолдирмай кўрадиган, газеталарни ҳатто рекламалариғача ўқиб чиқадиган қизман. Кўп нарсага ақлим етади. Лекин бир нарсани тушунмайман: Нафисанинг қандай дарди борки, ўзини ўлдиришга ҳам тайёр. Ўйлаб ўйимга етолмайман. Эринг билан чиқиша олмаётган, кўп зулм кўраётган бўлсанг, отангниги қайт дейман. “Иложим йўқ. Ўлишдан бошқа чорам йўқ”, – дейди у.

Қандай қарор қабул қилиш энди ўзингизга ҳавола. Агар у ўзини ўлдирса, сизга қандай мактуб ёзишни ҳозирданоқ ўйлаб қўйганман”.

## ЖОҲИЛИСТОН КЕЛИНИ. (З-қисм)

2 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

Бундай пайтларда амалга ошмайдиган хаёллар инсонга тин беради, лекин бу кеча ҳарчанд ўйламай, ўзимга кела олмаяпман. Юрагим қаттиқ сиқилди. Эндинина “Кони”ни ёзишга чоғланганимда Осуданинг мактубига дуч келганим ҳечам яхши бўлмади-да. Одатда ҳодисалар қархисида кайфиятим тушсада, ўзимни кучли ҳис қиласман. Негадир баъзилар ёзувчилар хафа бўлмайди, уларнинг кучсиз томони йўқ деб ўйлайди. Айримларнинг назарида эса ёзувчилар - бу энг мукаммал инсонлар. Ундей эмас, ёзувчилар ҳам бошқалар қатори одам, энг мукаммал инсонлар эса пайғамбарлар ҳисобланади. Неча йиллардан бери ақлимда пишитиб келган янги романимни ёзишни бошлайман деб турганимда бир мактуб туфайли алғовдалғов бўлиб кетдим. Майли. Айни пайтда ўзимни альпинистларга ўхшатяпман. Бир тоқقا чиқмоқчи эдим, энди эса уни ташлаб, бошқа тоғнинг чўққисини кўзлайман. Тоғларни алмаштирдим, суръатим эса камайгани йўқ.

Ўзимни кўчага отдим. Қор яхлаб қолибди. Чироқларнинг шуъласида оғзимдан чиқаётган нафасимни кўра оляпман. Узунгина кўчанинг четида юриб боряпман, ўнгу чапи баҳайбат билан қамалга олинган кўча.

Атрофда одам сийрак. Қаерда қолди эр-хотинлар? Нега шу ажойиб манзарада сайр қилишмаяпти? Нега қорбўрон ўйнашмаяпти? Эҳтимол баъзи эркаклар муҳим ишлар билан банддир, рўзғор тебратиш учун ишлаётгандир. Баъзилари ёнидаги хотинини эсдан чиқариб, телевизордаги аёллардан кўз уза олмаётгандир, бундай пайтда сайр қилишни ўйлармиди. Аёлларнинг айримларида ҳам айб бор. Телевизордаги аёлларга оғзининг суви қочган эркаклар бўлганидек экрандаги эркакларга анграядиган аёллар ҳам учрайди. Улар ҳам эрларини ўйламайди. Хиёнат эксанг, хиёнатни ўриб оласан. Гоҳида экмаганларни ҳам ўришга мажбурлашади, бу энди алоҳида мавзу. Аллоҳ, Аллоҳ! Нега бу нарсаларни ўйлаяпман ҳозир? Одамлар ташқарига чиқишига мажбур эмас-ку. Ҳа-а, топдим. Афтидан, “Эрим телевизордаги оғатижонларга тикилиб, мени эсидан чиқаряпти”, деб шикоят қилган аёлларни унутолмаяпман.

Нафисанинг калтакланиши асабимни бузди. Нега калтак ебди? Қишлоқнинг раиси, бир сингилни ҳимоя қиладиган мардлар йўқми? Маҳалланинг номусини сақлашни ўзининг вазифаси деб ҳисоблайдиган шопмўйлов йигитлар қаерда қолди? Аллоҳ, Аллоҳ! Нималар деяпман ўзи! Мўйлови йўқлар орасида ҳам йигитлар бор-ку. Ҳойнаҳой, мўйлови йўқ эркакларни кўрганимда таъбим хира тортгани учун шундай ўйга бордим. Мўйловсиз йигитлар хафа бўлмасин, таъбим шунаقا-да.

Оҳ, Осуда, оҳ! Бу дардларни ёзиш учун келиб-келиб мени топдингми?..

Бошимни елкаларимнинг орасига қисганча кетиб боряпман. Ёнимдан ўтган такси ҳайловчилари “Такси керакми?” деб сўраб хаёлимни бузгани учун жаҳлим чиқади, “Такси кутиб турганга ўхшайманми?” дейман ўзимга ўзим. Одамзод нонкўрда. Ҳар ҳодиса ўзининг руҳий аҳволига кўра юз беришини

истайди. Баъзан ёнимдан ўтган таксичилар мендан такси керакми-йўқми деб сўрашмаганига хафа бўламан.

Ўзимни бироз ташқаридан кузатдим: букри хотин ўз оёғи билан гаплашаётгандек юряпман экан. Ҳа, худди шундай кўриняпман. Лекин бу муҳим эмас ҳозир. Ҳолбуки, кадарсиз пайтларимда букри кампирдек кўринишни истамаслигим аниқ.

Менга ярашмаяптими бу фикрлар? Нима ҳам қиласдик, фитратдаги ҳақиқатлар барча учун бир хилда ҳақиқат ҳисобланади. Олим профессорлар, жоҳилу муфтийлар – барча-барчада фитратида бори намоён бўлади. Ичимизда авлиёлик бўлса-да, ташимиз букри кўринишни истамаймиз. Аммо йиллар ўтган сайн қаддимиз букилиб бораверади...

Ахир, қандай бормаслигим мумкин? У ерда ўз жонига қасд қилишни ўйлаётган, Худонинг берган куни калтак еяётган келинлар бор. Ўлимни соғинган Нафиса бор.

Фойдам тегмаса-да, боришга мажбурман. Қўлингдан келган нарсалар учун жавобгарсан, деб айтаман ўзимга-ўзим дамодам. У ҳолда нимани ўйлаб ўтирибман? Гапирган гапимга амал қилишим зарур.

У ерга сен чақирилган бўлсанг, демак, ўша ердан сен масъулсан. Бошқа жойдан бошқа одам масъул.

Ёки сен ўзингни масъул деб ҳисобламаяпсанми? У ҳолда инсонлик шарафига хиёнат қиласан! Инсон бўлиш масъулиятни ҳис қилиш демакдир.

Оҳ, Осуда, оҳ! Рухий оламим мендан бехабар тоғу тошларда дарбадар юрган бир пайтда менга хат ёзмаганинг яхшийди... Марҳаматнинг асирига айланган қалбимга тегинмасайдинг кошки...

Бир марта шунга ўхшаш воқеа бўлганди.

- Унда нега шу пайтгача сени севаман деб келдингиз?

- Лекин унинг мақсади кўнгилхушлик эмас, турмуш қуриш экан. Сизга ишониб учрашувларга чиқибди. Сизга ошиқ бўлиб қолибди.

- Валлоҳ, атрофимда қанчадан-қанча қизлар гирдикапалак. Телевизорда тинмай севгилисини алмаштираётганларни кўраётган бўлсангиз керак. Нима, мен фақат битта қиз билан юрайми?

- Яъни мен уйлана олмайман, уйланмасдан туриб ҳам қизларни қўлга кирита оладиган йигитман деяпсиз, шундайми? Майли, буни тушундим. Ақалли қизга қўнғироқ қилинг, мени бирор йил кутиб тур денг. У ўзини ўлдириб қўймасин, ҳозир эсхуши ўзида эмас.

- Шу гапни сиз айтяпсизми? Йиллар давомида ёлғон гапирибсиз, энди ростгўйлигинги тутиб қолдими? Бир инсоннинг ҳаётини қутқариб қолиш учун ёлғон гапиролмайсизми? Агар у ўзини ўлдирса, қотил...

Ёшларимизни шу аҳволга солган зеҳниятдан нафратланаман!

- Ўлишдан бошқа чорам қолмади, опажон. Илтимос, мени дуо қилинг. Аллоҳ мени кечирсин, -деди.

Эртасига кечки хабарларда ўша қизнинг ўз жонига қасд қилганини эшитганимда қанчалик қийналганимни тушунтириб беролмайман. Унинг ўлимига сабабчи бўлган йигитни, уни вояга етказганларни неча кунгача қоралаб юрдим. Ўзини ўлдириши билганимда, қизни ўз ҳолига ташлаб қўярмидим? Ҳалигача виждоним қийналади.

Гуноҳи унинг бўйнига бўлади. Йў-ў-қ, Осуданинг хатини ўқиб берсам, олиб бориши аниқ.

Аслида қорда маза қилиб юрмоқчи эдим, лекин ақлимни кечанинг сирларига асир қилиб қўёлмаяпман. Майли, инсон эканимга далолат бу. Бу изтироблар менга инсон эканимни эслатади. Одам баъзида ҳою ҳавасларни кечиктиришни ҳам билиши керак.

Уйдан анча узоқлашиб кетган эканман, ортга қайтдим. Бир маҳал олдимга тепадан тап этиб мушук тушди, билмайман қайси қаватдан улоқтиришди экан. Хўш, мен нима қилай? Тепа сочим тикка бўлади-да бунаقا нарсаларга!

Эҳ, миттивой, келиб-келиб менга учрадингми? Сенга берай десам, ёнимда бир луқма ҳам йўқ. Уйдан анча узоқдаман. Лекин бу кеча меҳмоним бўласан. Эртага сени мушукларни яхши кўрадиган бирортага бераман.

Эҳ, мушуккина! Билсанг энди менга кимларни эслатиб юборганингни. Қотиллар бир бўлиб ташлайдиган бомбалар борку... Нуқул ислом оламига ташланадиган бомбалар... Золим шу бомбаларини бошқа мамлакатларга ташласа, золим бўлмай қолармиди?.. Майли, айтдим-қўйдим-да.

Оқибатинг қандай бошлаганини тушунгандекман... Эркак уйга маст келган, хотини билан жанжаллашган... Балки маст эмасдир. Жанжал пайтида эр-хотиндан бирининг кўзи сенга тушиб қолган ва қанчалик зўрлигини кўрсатиб қўйиш учун сени пастга ташлаб юборган. Деразани эса тезгина ёпиб олган. Сенинг ҳам жонинг борлиги хаёлига умуман келмаган. Айтдим-ку, уларнинг қўлига имкон берилса, ҳеч ачинмай маъсум инсонларни бомбардимон қиласи.

Мушуксан, лекин сенга раҳмим келаётганини сезяпсан, тўғрими? Баъзи одамлар сендаги ана шу хислатдан мосуво. Қўявер, улар ҳатто ўз фарзандларининг хислатидан ҳам бехабар.

Мушукни кўтарганча уйга қайтдим. Ичкарига кириб, унга овқат бердим. Меҳр кўрсин деб истар-истамас озроқ эркалатдим. Нега энди истар-истамас деб сўрасангиз, менимча, жавоби болалигимиздан қулоғимизга қуйилган “мушуклар нонкўр, шумқадам бўлади” деганга ўхшаш гап-сўзларга бориб тақалади. Ҳолбуки, динимиизда ҳайвонларга шафқатли бўлишга буюрилган... Қандай ёлғонлар ўйлаб топилган экан-а, лол бўлиб қоламан.

Аллоҳ, Аллоҳ! Одам мушукнинг нима деб ўйлашига ҳам қизиқадими? Ҳа, қизиқади. Қизиқиш ҳиссини ҳар доим ҳам назорат қилиб бўлмайди-да.

ЖОҲИЛИСТОН

КЕЛИНИ.

(4-қисм)

Мактублар менга қаттиқ таъсир қилди. Аслида ҳар доим таъсиранаман, лекин бугун ички оламидаги алағдаликлар сабаб ҳамма нарса бошқача туйиляпти. Имконим бўлганида, шу мактублардаги ҳикояларни телесериалга айлантирадим.

“...Хотиним ёшим ўтиб қолганига бот-бот шама қила бошлади. Бундан қаттиқ хафа бўламан. Унинг атрофида гирдикапалакман, аммо у менга қандай кўз билан қарашини билолмаяпман. Буни ёш хотин олишдан олдин ўйлаш керак эди, деяётгандирсиз ҳойнаҳой. Нима қилай, кўнгилга гап уқдириб бўлармиди. Унинг кўнгли ҳам қулоқ солмади. Одам қирқ ёшда бўлса-да, йигирма йил кейин нималар бўлиши мумкинлигини хаёлига келтирмаслиги мумкин. Ўша пайтлар мен ҳам бош қотирмаган

эдим.

Турмуш қурдик. Табиийки, эътиборимиз, илтифотларимиз йигирма йил аввалгидай бўлмаслиги мумкин. Инсон ҳар доим ҳам ишқнинг сархушлигига бўлолмайди-ку! Шундай эмасми? Агар хоҳласак, биз учун баҳтли кунларимиз кифоя қилиши мумкин. Бу фоний дунёда ҳар қачон ҳам ўзимиз истагандек яшай олмаймиз-ку! Буни унга сиз етказишингизни илтимос қиласман. Эрта бир кун у ҳам кексаяди... Ёшлигига ишониб менга зулм қилмасин, зулм ўтказган зулмга учрагуси албат... Кўпинча сахармардонда балконга чиқиб йиғлайман. Инсонийликка тўғри келадими бу? Вафо деган нарса қаерда қолди? Вафосизлик қилганга вафо кўрсатилмайди-ку. Илтимос, буни гўзал сўзларингиз билан унга тушунтирсангиз ёки қўнғироқ қиласангиз. Менга бу яхшиликни раво кўрсангиз, дуои жонингизни қиласман. Ишонаманки, бир мактубингиз ёки қўнғироғингиз билан рафиқам ўзгаради...”

Бу муҳтарам ўқувчим қўлимдаги қаламни ёки телефонни ҳазрат Мусонинг асоси билан чалкаштириб юборди чоғи. Ёки ҳар нарсага қодир деб ўйлаяпти шекилли. Бундай хислат ҳатто пайғамбарларда ҳам йўқ эди, аммо оғамиз ўз дарди билан бўлиб бунаقا нарсаларни ўйлаб ўтирган кўринади. Насиб қилса, эртага унинг хотинига қўнғироқ қиласман. Аёлни кўндира оламани-йўқми, билмайман. Биласизми, мен

бир ишни уддалашни шарт деб ҳисобламайман, лекин уддалаш учун ҳаракат қилиш шарт. Айниңса, бирор ишни ўз вазифам деб ҳисобласам, охиригача курашаман, бу курашда ғолиб бўлмасам ҳам, йиқилиб қолмайман. Ҳаёт муваффақиятга эришишдан эмас, баҳоли қудрат тиришишдан иборат. Буни оддий қарашлар билан тушуна олмаймиз. Аллоҳ бандалар учун инъом этган ҳаётнинг тавсифига ишонсаккина тушунишимиз мумкин. Ҳа, эртага қўнғироқ қиласман. Ҳозирлик кўргандан кейин Осуданинг қишлоғига жўнайман.

Ота-боларимизнинг шу ўгитини дам-бадам такрорлайман: танлаган йўлингда тинмай илдамла, соянг орtingдан истаса келсин, истамаса келмасин.

Биламан, гоҳида қора кунлар пушти кунларга, гоҳида эса оппоқ кунлар қора кунларга айланади. Лекин сафар тўхтаб қолмайди, ҳатто умримиз адо бўлганида ҳам. Шундай экан, соямни нега кутиб ўтирай?..

Инсоннинг ички олами ўзига мос бўлса, бу мослик ташқи дунёсида ҳам акс этар ва бундай кишилар муваффақият ҳақида хавотир олмас экан. Буни ўзимдан ҳам биламан. Бутун эътиборимни муваффақиятга қаратмаганман. Аммо Нафиса борасида ўзимни қўлга ололмаяпман. Уддалай олмасам-чи деган ўй миямда ғимирляяпти.

Рафиқасидан арз қилган қилган бу одам мени ҳайрон қолдирди. Бир мактуб билан аёлнинг руҳияти ўзгаришига ишоняпти. Нима бўлганда ҳам, уни қўллайман. Оиласида муаммо бор ва у ечим қидиряпти. Аёлининг бошқа олами борлигини тушуниб етибди. Кошки эркаклару аёлларнинг бари турмуш ўртоқларининг дунёсини тушунишга ҳаракат қилса. Кошки муаммосини ҳал қилолмаган эркаклар кимданdir ёрдам сўраса. Бу борада аёллар журъатлироқ. Балки эримни тушуна олмаётгандирман деган саволни бера оладилар ўзларига. Аммо эркакларнинг аксари аёлинни мутлақо танимаса-да, танийман деб ўйлади. Айни пайтда эрига қариб қолганини шама қилаётган аёл ҳақида ўйлаяпман. Бу тутуми билан нимага эришмоқчи? Эрини севмайдими, ундан узоқлашмоқчими? Ёки эрини қаттиқ севадију севгисининг меъёри йўқми?.. Учинчи мактуб романларимдан бирини танқид қилган ўқувчимдан. Бир “хато” топибди, шуни танқид қилибди. Қанчалар беозор танқид бу! Дилим оғриб қолмаслиги учун

сўзларни зийраклик билан танлабди. Танқид қилинган ўша жой хато бўлмаса-да, гўзал хулқли мунаққидни хафа қилмаслик учун уни китобимдан чиқариб ташлагим келди. Одамнинг ҳурмати учун хом товуқни ҳам ейиш мумкин[1], китобдан икки сўзни олиб ташлаш мумкин эмасми? Мумкин, албатта. Аммо олдин сабаби ҳақида изоҳ бериш шарт. Туйқусдан ўйлаб қолдим: бу ўқувчим мен билан ҳар куни учрашганида ҳам ана шундай назокатли бўлармиди? Ёки баъзи инсонлардек узоқдан самимий, яқинлашганида қўполмикин?.. Мен ҳурмат қиласиган бир ёзувчи газетадаги мақоласига сўкиш аралаш сарлавҳа қўйибди. Кўзим тушиши билан телефонга ёпишдим.

- Қардошим, телба қолиб қолдингизми? - дедим. - Худо ҳаққи айтинг, қаттиқ чарчадингизми? Чарчаган бўлсангиз, дам олинг. Ахир, мусулмон киши ҳам шунаقا сарлавҳа қўядими? Шунчалар уялдимки, ер ёрилсаю кириб кетсам! Мени кимдир шунаقا танқид қилса, аввал танқид қилишнинг қоидасини ўрганиб ол, кейин танқид қил, дейман. Ўша ёзувчи қардошим мен билан имтиҳон қилинди. Орадан икки йил ўтган бўлса-да, ҳанузгача у билан гаплаша олмайман, лекин хат ёзиб узр сўрадим. Кеч бўлса ҳам одоб қоидаларини адо этайин дедим. Ажал фариштаси келгунча қилинган пушмонликнинг фойдаси бор.

Эрини қарилликда айبلاغан аёл билан гаплашдим. Янгилишибман. Аёл руҳий тушкунликда бўлгани учун нима деяётганини ўзи ҳам билмас экан. “Эрим мени тушунмайди”, - дейди. Демак, бир-бирлари билан юзма-юз гаплаша олишмабди.

Нима қилиш кераклигини айтдим. Баъзи китобларни тавсия қилдим. Намозларни қолдирмасликни, мутолаа қилишни, спорт билан шуғулланишни тайинладим.

Танқидчи ўқувчимга ҳам қўнғироқ қилдим. Танқид қилган мавзуси ақида билан боғлиқ бўлмаганида, романнинг ўша жойини алмаштиришим мумкинлигини, бу ўринда унинг ўзи хато ўйлаётганини далиллар билан тушунтириб бердим. Миннатдорчилик билдириди. “Мен ўхشاши йўқ фақатгина Аллоҳ эканини билмасдим”, - деди.

4 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

Эрим келди. Ҳаммасини гапириб бердим. “Бирор ечим топайлик”, - деди. Мактубни ўқиб кўргандан кейин эса “мутлақо” деб қўшиб қўйди. Мақтаняпти деб ўйламангу, эрим шундай мавзуларда мени қўллаб-қувватламаганида битта қанотим синик бўлган бўларди.

Турмуш ўртоғим мени қишлоққа олиб борадиган бўлди. Бешолти ўқувчим ҳам келади, оилаларидан рухсат олдим. Улар китобларимни ўқиб, семинарларимда қатнашиб талабаларимга айланишган. Мени яхши тушунишади. Қуръон ўқиш ва ўргатиш учун боргандек тутамиз ўзимизни, эрим эса ортга қайтади. Вазият яхшиланишини билан унга қўнғироқ қиласман, келиб бизни олиб кетади.

У ерга Қуръон курси очиш учун боргандек кўринсак, Нафисанинг қайнанаси эътиroz билдира олмайди.

Нега уддалай олмас эканмиз? Бегоналар нималарни дўндириб ташламаяпти, биз шугинанинг уддасидан чиқайлик.

Шундай қилиб, режамизни туздик.

Нарсаларимизни тайёрладик. Осудага қўнғироқ қилдим.

Умидларни пучга чиқарсам-чи деб хавотирланяпман. Кейин Қуръондаги бир оятни эсладим, инсонлар хайр учун ҳаракат қилишлари зарур.

Истеъоддининг мактаби бўлмас

Дунё нега шундай? Одамлар нега лоқайд?..

Ҳар доим шу саволларни такрорлайман. Ҳозир мен Нафисанинг ўлим ёқасида турганини билганим ҳолда унинг учун нималардир қилмасам, ўзим танқид қиладиган одамлардан нима фарқим қолади? Шундай экан, ўзим ихлос қилган инсонларга ўхшашим зарур. Ичимдаги инсонийлик туйғусига қулоқ солишим даркор. Ахир, ҳис-туйғуларни инъом этган Зот уларни бизга бежиз бермаган-ку!

Эрим билан бирга Торос[1] тоғлари томон равона бўлдик. Паға-паға ёғаётган қордан кўз узмай сафар қилишни яхши кўраманда. Айниқса, дарахтларнинг шохлари қорнинг оғирлигидан эгилиб қолганини кўрсам борми, ўзгача завқ оламан. Ҳам табиат гўзалликларини томоша қилиш, ҳам йўл бўйи турмуш ўртоғим билан сухбатлашиб бориш руҳиятимга ажиб бир осудалик бағишилади.

Ёшлик йилларимизни эсга олдик. Танишганимиздан тортиб

ҳозиргача бўлган муҳим хотираларимиз ҳақида гаплашдик. Гўё ўша йилларга қайтгандек бўлдик. Ўша куни тушундимки, баъзан эр-хотин турмушларининг илк йилларни ёдга олишса, ўрталаридағи меҳр-муҳаббат янгиланади, йиллар эскитган муҳаббат риштаси мустаҳкамланади.

Нашидлар айтдик, ашир[2] ўқидик. Кейин Америка ва унинг ҳамтовоқлари мусулмонларга қарши нима учун қутираётгани ҳақида фикр алмашдик. Биз эса ҳеч нарса қилмаётганимизни айтдик... Ўлаётган мусулмонларни ўйлаганда қанчалар қайғуга тушишимиз ҳақида гаплашдик... Шохдан шохга қўнгандек мавзудан мавзуга сакраб суҳбатлашиб бордик.

Ҳар томонга терак экиб ташлашибди. Чиройли манзара ҳосил қилибди, лекин билишимча қишлоқнинг ичига терак экилмайди, чунки атрофидаги чивинлар ғужғон бўлади. Тўғрироғи, шунаقا деб эшитганман.

Қишлоқ чиндан ҳам чиройли. Ернинг ҳидини туйдим. Дам-бадам юқоридан бизга қараб турган баҳайбат қояларга кўзим тушади. Уйларнинг олдига мевали дараҳтлар экилган. Уйлар ёғочдан ва тошдан қурилган. Йўл четларида гуллаб экишибди. Лозим[3] кийган аёлларни кўрдик. Баъзилари эшак минган, баъзилари эса эшакка ўтин ортган, ўзи эса яёв. Айримлари қўй-эчкиларни ҳайдаб кетяпти. Иссиқдан ёки совуқдан терилари шунчалик қуруқшаб кетибдики, ёш чоғларидаёқ юзларига тарам-тарам ажинлар тушибди. Кошки улар ўзларига вақт ажратади олса!..

- Устоз! Сиз келдингиз, энди Нафиса омон қолади. Уни қутулган деб ҳисоблайвераман. Уддаладим! Сизни бу ерга олиб келишни, Нафисани қутқаришни уддаладим!

Осудаларнинг уйи қишлоқнинг энг баланд тепасига қурилган экан. Уйнинг атрофидаги тахминан 50-60 сотих ерга сабзавот экишаркан, нок ва олма боғи ҳам бор. Даражаларда фақатгина нокка кўзим тушди, совуққа чидамли хилидан шекилли, қор ёғса ҳам чириб кетмабди.

Тепадан қишлоққа қараганча кўзларим қувнаяпти. Ё, Аллоҳ! Инсон қишлоқнинг чиройидан шунчалик таъсирланиши мумкинми? Албатта, мумкин. Айниқса менга ўхшаб қишлоқни яхши кўрадиганлар. Неча йиллардан бери Истанбулдаги ишларим ва дарсларимни тугатиб, қишлоққа кўчиб кета олмаяпман.

Осудаларнинг уйи уч қаватли, ёғочдан қурилган экан. Биринчи қавати - оғилхона. Ҳасан бей оғилхонага шунчалик катта эътибор қаратибдики, кўзимга ишона олмадим. Уйнинг олдида қудук бор. Осуданинг акаси Самиҳ шу қудуқдан электр ишлаб чиқаришни уддалабди, бепул фойдаланишга эса рухсат берилмабди. Бу нимаси?! Ҳайрон қолмасликнинг иложи йўқ! Йигит қудуқдан электр эенергияси олибди, лекин кимлардир фойдаланишга рухсат бермабди. Ҳолбуки, барча қишлоқларда шу иш йўлга қўйилса, давлат биргина электрдан миллиардлаб фойда олади. Айтяпман-ку, ҳайрон қолмай бўлмайди.

Бизни юқори қаватга олиб чиқиши. Биринчи кун дам олдик, эртаси кун режа туздик. Аввалдан келишилган беш ўқувчим ҳам келди, уларни гўё таҳсил учун келгандек кўрсатамиз. Қизлар келгандан кейин эрим Истанбулга қайтиб кетди. Осуданинг отаси Ҳасан бейдан биз учун ажратилган қаватдан Қуръон курси учун фойдалансак бўладими-йўқми деб сўрадик. “Бу нима деганингиз? Албатта, бўлади-да! Минглаб уйлар насронийларга бериляпти-ку, мен нега уйимни мусулмонларга бермас эканман?” - дея жавоб қайтарди.

Аллоҳ, Аллоҳ! Жуда антиқа одам экан бу Ҳасан бей. Юрагим ҳапқириб кетяпти. Озроқ тин олиб, дарҳол ишга киришишим керак. Ҳар қишлоқнинг ўз чақимчиси бор, бу ерга шунча ёш қиз келганини бир жойларга етказиши тайин. Лекин мен парво қилганим йўқ. Биз андиша қилганимиз сари бундай одамлар бошимизга чиқишини бошлайди. Шунаقا нусхалардан биттаси бизнинг қишлоқда ҳам бор, икки марта чақув қилди. Ҳа, майли, шу тобда нохуш нарсаларни эсламай. Осуданинг онаси ва янгаси келишди. Салом-аликдан сўнг Осуданинг онасидан сўрадим:

- Қандайсиз, яхшимисиз? Кунларингиз қандай ўтятти?
- Мен сизга айтгандим, онамнинг ичи тўла мақол.

Жуда кўп куйганга ўхшайди бу хотин. Портлашга тайёр бомбага ўхшаганидан ҳар гапини эрига тақаб, ундан қасос олишга уринадиганларга ўхшайди. Осуданинг гап-сўзларидан тушунишим бўйича онаси эрига жавоб қайтармайди, лекин орқасидан оғзига келганини айтиб олади. Мен атрофимдаги эркакларга ҳар доим бир гапни такрорлайман: қарши чиқсан аёлдан эмас, жим турган аёлдан қўрқиш керак. Чунки кўп сабр

қилган, ҳеч гап қайтартмаган, нуқул итоат кўрсатган аёл куни келиб шундай портлаши мумкинки, Аллоҳдан бошқа ҳеч бир куч уни тўхтата олмайди. Цунамига ўхшайди бундай аёл. Шундайлардан биттаси, мана, рўпарамда туриди.

- Ҳаммона, - деди.
- Қайдан билай, эгачи. Аввалига Фотима она экан бу исм, кейин Ҳатмона, ундан кейин эса Ҳаммонага айланиди. Нима қилай? Шунга энди ота шўри қозихонами? Одамнинг қисмати муҳим, қисмати яхши бўлмаса, исми ундоқ бўлди нимаю бундоқ бўлди нима, фарқи йўқ.

Шу пайт ташқаридан Ҳасан бейнинг овози эшитилди. Кул Ҳасан деб чақиришар экан уни. Ҳурмат юзасидан ичкарига кирмай, ташқаридан гапиряпти. Бизга “хуш келибсизлар” дегандан сўнг аёлини сўради:

- Бизнинг хотин шу ердами? Кўринмай қолди-да.
- Мехмонларга яхши кўринмоқчи, яшшамагур. Гаплариға қаранг-а, умримда бунаقا гапларини эшитмаганман. Жағи очилганига қараганига мендан нимадир истайди. Ҳозир олдига чиқмасам, бошимда ёнғоқ чақади. Айтишади-ку эшакни тўйга чақиришибди, у эса ё сув тугагандир, ёки ўтин[5], деган экан. Нега чақириб қолди, билмасам.

Эшик томонга кетаётганида ҳам қарғишлари тўхтамади:

- Кимлардир жин бўлмай туриб одам чалмоқчи[6] бўлади, бу чолда эса одамгарчилик йўғу мусулмон бўлмоқчи. Сизга ўхшаган меҳмонлар келса, шунаقا ўзгариб қолади. Менга зуғумлари тўхмайди, лекин сиздек отинойини кўrsa, бирам мулоим бўлиб қоладики...

Нималар бўлди ҳозир? Тушунмай қолдик. Тушунганимиз шу бўлдики, бу хотиннинг ичи тўла дард-алам.

- Устоз, сиз ҳам Осудага ўхшайсиз. Нуқул Нафисанинг дарди деяпсиз, менинг ҳам дардларим бор, бир сўранг. Тунлари шу дардларнинг дастидан тўлғаниб чиқаман. Ахир, мен ҳам одамман. Нима, ўзимни ўлдиришга уринишм керакми? Аммо мусулмончиликка тўғри келмайди-да.

Ё, Аллоҳ! Қандай инсонлар бор! Севганига қовушган ҳам, қовушмаган ҳам маҳзун. Турмадаги маҳкумдек ёки тутуқундек кун кўрадиган эрли аёллар камми?.. Одам ўрнида кўрилмайдиган хотинлар озми?..

“Сиз ҳам менга эътибор бермаяпсиз, эътиборингизни тортиш

учун ўзимни ўлдиришга урининишим керакми? Агар гуноҳи кабира бўлмаганида, сизга кўрсатиб қўйиш учун ҳам, ўзимни ўлдирган бўлардим”, - деяпти.

Ундан қилманглар, сингилжонлар! Мени хафа қилмасдан сўзлай олмайсизларми?.. Ҳаммамиз ҳам имтиҳон дунёсидамиз. Ҳамманинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор. Мени умуман дарди йўқ банда деб ўйлайсизларми?.. Қизиғи, мени шифо тарқатадиган табибга ўхшатасизлар. Мени хаёлларингизда шундай тасаввур қиласизларки, аксини кўрганда ҳафсалангиз пир бўлади. Кейин эса хафа бўлганим қолади... Ҳозир нима қилай? Ҳалигача Нафиса билан гаплаша олмадим. Бу қишлоқда ўзимни ташқаридан кузатаман. Нималар қилишимни кўраман. Шунча вақтдан бери инсон рухиятини ўрганиш учун меҳнат қиляпман. Бу меҳнатларим фойда берадими? Нафисани ўз жонига суиқасд қилишдан қутқара оламанми?..

## ЖОҲИЛИСТОН

5 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

Осуда ҳаллослаганча юқори қаватга чиқиб келди. Кўзлари севинчдан порлаб турарди.

- Ишонсин-да. Зеро, бу иш яхшилиб билан ҳал бўлмаса, нималар бўлишини Аллоҳ билади. Унинг ўрнида мен бўлганимда фақат яхшиликни танлаган бўлардим.

- Қайси йўл учун жонимни тиксам, қилиниши керак бўлган ҳамма нарсани қиламан. Вакти келса, кўрасан. Баъзилар ўйлаганидек, дунё ёмонларнинг оёқлари остида эмас. Асло чекинмайман. Биз мусулмонмиз. Мусулмон одам зулм остидаги насронийни ҳам қутқариши керак, ўз диндошига келганида томошабин бўлиб турадими?..

- Лекин улар жуда ёмон одамлар!

- Майли. Мен ёмон одам эмасман, шунинг учун кучлироқман. Агар ҳақли одам кенг юракли ва имонли бўлса, ҳатто ютқизган бўлиб кўринса ҳам, аслида ғалаба қозонган бўлади. Аввал Нафиса, кейин Гулсараннинг иши билан шуғулланиб, зиммамдаги вазифани адо қиламан.

- Ажойиб! Ҳойнаҳой, ёзувчилик шунаقا бўлса керак – қалбдагилар қоғозда акс этади.

## КЕЛИНИ.

(6-қисм)

Баъзилар

- Олдин ишларни ҳал қилиб олайлик, романни кейин үйлаб кўрамиз. Ҳар воқеа ҳақида роман ёзиш керак деган қоида йўқ. Агар шунаقا қоида бўлганида, ҳозиргача мингга яқин роман ёзиди ташлаган бўлардим.
  - Бу ерда роман ёзсангиз, мени ҳам қўшиб кетасизми?
  - Қамбарсиз тўй бўлармиди?[1]
- Икковлон кулиб юбордик. Жуда зукко, ҳушёр қиз экан Осуда. Айнан унга ўхшаганлар бошқалар учун ўзини фидо қилиб юборади.
- Бу ҳақда кейинроқ бафуржা гаплашамиз, чунки икки-уч оғиз гап билан тушунтириб бўлмайди. Лекин шуни унутмаки, ёзувчи бўлиш гоҳида осон, гоҳида машаққатли. Чиндан ҳам бўлиб ўтган воқеалар ҳақида роман ёзиш осон эмас. Кейинчалик роман қаҳрамонларидан бири хатога йўл қўйса, хафа бўлиб қоласан. Ёзувчи учун хаёлий ҳодисалар ҳақида ёзиш осонроқ бўлса керак. Ёзувчи одамларнинг кўзларига қараганида, уларнинг шодлигию ғамини ҳис қила олиши зарур. Бундай одам учун ёзувчи бўлиш тоғнинг этагидан чўққи томон юк ташишдай гап. Лекин чўққига етганида шундай ҳаловатни ҳис қиладики, таърифлаш душвор. Масалан, мен роман ёзиш учун жуда кўп изланаман, қаттиқ толиқаман, ҳаяжонланаман, баъзида жуда кўп йиғлайман. Лекин тоғнинг чўққичисига юкни олиб чиққандан, яъни китобни ёзиди бўлгандан кейин беш-олти кишига ўқитиб кўриб тузатишлар киритгач, шундай роҳатланаманки, асти сўрама.
  - Шу дардлардан қутулгандан кейин, илтимос, менга ёзувчи бўлиш ҳақида озроқ сабоқ беринг. Хаёлларимнинг чеки йўқ, ақалли тасаввуримда ёзувчи бўлай. Менга ёрдам беринг.
  - Албатта, ёрдам бераман. Шуни эсингдан чиқарма: ёзувчи бўламан деган одам ғам-қайғу, дарду алам, азоб нималигини яхши билиши керак. Булардан бехабар ёзувчи жуда чиройли гаплар битиши мумкин, лекин ёзганлари ҳаққоний чиқмайди. Менга келган мактубларда увол бўлган хаёлларга шунчалик кўп дуч келаманки... Ахир, хаёл ҳам катта неъмат. Одамнинг хаёллар қовжираб қолишига йўл қўмаслик даркор. Сенга келадиган бўлсак, Осуда, сенга Аллоҳдан кейин мен ёрдам бераман.

Ҳасан бейни ҳеч тушунолмадим. Динни ҳам, диндорларни ҳам яхши кўрар экан, қулоғи оғир қайнанасининг хархашаларига

чидаиди, лекин хотини билан келинининг қаршисида қамчисидан қон томади. Хотинининг асабларини адой тамом қилибди. Қишлоқдагилар эса унинг ҳурматини жойига қўйишар экан. Танти одамлиги аниқ. Ҳеч кимдан қўрқмай уйида Қуръон курси очилишига розилик берди. Тантилар мард бўлади. Мард одамга келинига қўл кўтариш ярашадими?.. Бу одамнинг феълига                          ақлим                          етмади-да.

Қизик, Ҳасан бей ташқарида одамохун, қўли очик, яхши бўлиб кўринади, уйида қўпол, марҳаматсиз, ёмон ва тоқатсиз кишига                          айланадими?..

Майли, вақт ўтиши билан бу ердаги аҳволнинг ҳам тагига етаман, иншааллоҳ.

Эрталаб барвакт уйғониб деразадан тоғларга ва уларнинг ранглар соясига айланган этакларига тикилдим. Кўзларим катта шаҳарда тўп-тўп биноларни кўравериб ўрганиб кетган, ҳозир эса тоғларни қучиб олгим келди. Ер юзини кўк билан боғлайдигандек таассурот уйғотадиган чўққилар нақадар гўзал! Тўйиб-тўйиб томоша қилгач, Осудаларнинг олдига тушмоқчи                          бўлдим.

Деразадан қарасам, Ҳаммона ҳам пойабзалини кийяпти, ҳам йиғляяпти. Зудлик билан пастга тушдим.

- Бу чол ўзини бўри деб ўйлайди. Хўп, ўзингини бўри деб ўйласанг, ақалли бирорта оқсоқ қўзичноқни есанг бўлмайдими?.. Мана, аҳволимни кўриб турибсиз, ёзувчи эгачи. Ҳамма ишни мен қиласман, мақтаниш эса чолимнинг иши. Тағин мени ётирганига                          ўлайми.

Эридан меҳр кўрмаган Ҳаммона пайти келди дегунча ундан ёзғиради. Аммо мен ундан бошқа нарсаларни эшитишни хоҳлайман. Берган саволларимга жавоб қайтармади шу пайтгача. Сўраганларимнинг аксари Нафиса ҳақида. Балки у бир нарсалар билар деб ўйлагандим, аммо унинг фикри-хаёли эрида. Мавзуни бошқа ёққа буриш учун сўрадим:

- Мен ҳам соғсам майлими?
- Ҳаммаси ҳам билмайди, лекин мен қишлоқлик бўлганим учун биламан. Қишлоқдаги уйимизда сигиримиз бор эди, иккита сигир                          боқканман.
- Албатта, айтишади. Нега энди айтишмасин? Қишлоқлик бўлиш эмас, қишлоқлик эканини яшириш айб. Инсон ўзидек кўриниши керак. Ҳатто                          қусурли                          бўлса                          ҳам...

- Нега уялсин? Қишлоқлик эканидан фақатгина жоҳиллар, шаҳарга бино қўйганлар, қишлоқликларни пастга урадиганлар уялади.

Ҳаммона менга анграйиб қараб турди. Кейин челакни яна сигирнинг тагига қўйиб соғишига тушди.

Ичимда нимадар чирт узилгандек бўлди.

Ҳаммона сигирни соғиб бўлди. Челакни эшикнинг олдига қўйида, икки қўлини белига тираган кўйи анчагача менга тикилиб турди. Кўзларида ҳайрат акс этган эди. Эҳтимол, гаплари уни ўйлантириб қўйгандир. Бирдан оғилхонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади ва жавоб қайтарди:

- Биласизми, эгачи, шу айтганларингизни мен ҳар доим ўйлайман.

Руҳий тушкунликда, лекин жуда аломат аёлга ўхшайди Ҳаммона. Мудом бир гапни қайтараман: истеъододнинг мактаби бўлмайди.

Ишончим комилки, агар ўқиганида, Ҳаммона файласуф бўлиб етишар эди. Йўўқ, жуда самимий олима бўларди. Оғилхонадан чиққандан кейин атрофда бироз айландик. Қайси уйда кимлар яшашиши айтиб берди. Мана бу уйда яшайдиган одам саккиз марта уйланибди, саккиз хотини ҳам ўлибди. Тўққизинчиси беш йилдан бери яшаяпти экан. Бу уйдаги йигит фалажланиб қолибди, бунисида эса икки юз эллик килолик аёл яшаркан. Деворлари сариқقا бўялган уйда яшайдиган қизга тухмат қилишибди, шу сабабли ташқарига чиқолмайдиган бўлибди. Пардалари йиртилиб кетган бу уйдаги одам хотин устига хотин олибди. Биринчи хотини аламига чидолмай ўзини ўлдирибди, эри эса қаттиқ сиқилганидан тўшакка михланиб қолибди, шифокорлар ташхис қўёлмабди унга. Кўк балконли уйда яшайдиган одамнинг хотини ўн йил аввал вафот этибди, лекин у рафиқасини ҳали ҳам унутолмасмиш...

Қишлоқнинг охиригача бордик. Йўл-йўлакай ёнимиздан ўтган эчкиларга, эшакларга завқ билан қарадим. Эшаклар ва отлар қирилиб кетади деб қўрққаним учун айниқса эшакларни ўзгача меҳр билан силадим. Сўнг ортга қайтдик. Чарчаганимни ҳис қилдим, анча юриб қўйибмиз ўзиям.

Ҳали ҳам Нафиса билан кўриша олмадик. Қайнанаси берган сўзидан қайтибди. Асабим бузилса-да, ўзимни эшитмаганликка солдим. Баъзи нарсаларга ақлим етмай қоляпти. Қаерга келиб

қолдим ўзи? Келишга келдим, нега ҳанузгача ишга кириша  
олмадим? Нималар бўляпти?!  
Эртаси кун.

Осуда нима қиларини билмай дам у ёқقا, дам бу ёқقا югуради,  
атрофимда парвона. Ниҳоят бувиси тилга кирди:  
Ҳаммамиз кулдик. Аёлнинг қулоғи оғир экан. Кутилмагандан  
томдан тараша тушгандек гапирди:  
Осуда ҳам бувисининг қулоғи оғирлигидан уялишини, ҳам  
ундан анча чарчаганини пайқадим. Аммо набиралар  
бilmайдики, кун келиб ўzlари ҳам буvi ёki бобо бўлишади...

ЖОҲИЛИСТОН КЕЛИНИ. (7-қисм)  
6 iyun 2020. Muallif: Bayuina.uz

Бувисининг гапларига чидолмаган Осуда онасига арз қилишга  
тушди:

Ҳаммона аввал қизига пича тикилиб қолди. Кейин ютинди, сўнг  
аччиқ кулимсираб жавоб қайтарди:

- Нима қилай, ой қизим? Сен ёзувчи эгачимни шундай  
таърифладингки, мен ҳам инсон эмас, бошқа бирор нарса бўлса  
керак деб ўйладим. Онам нима қилсин? Бечора қариб қолди.  
Олдинлари кўрмагансан-да, қандай хотин эди-я! Қарилкнинг  
чораси йўқ, болам. Бувинг тўғрисида ундей гаплар гапирма,  
менга оғир ботади. Дарвоқе, биласанми ёзувчи опанг нима  
қилди? Оғилхонада сигир соғди. Шаҳарликлар шунаقا ишларни  
қиласди, деб ўйлабмизми? Биз сутни соғамиз, улар ичади, деб  
ўйлардик.

Осуданинг гап-сўzlари менга ёқмади. Унга хотираларимдан  
бирини айтиб беришга қарор қилдим. Ҳозироқ айтишим керак,  
зоро, темирни иссиғида босган маъқул.

- Сенга бўлган бир воқеани айтиб бераман. Нима дейсан?  
- Жон дейман!

- Мен яқиндан танийдиган бир одам бор эди. У ҳамқишлоғимиз  
эди, кейинроқ Истанбулда қўшнимиз бўлди. Қишлоқда  
яшашганида ўша одамнинг отаси эс-ҳушини йўқотди. Ураган  
аёлни ўзининг хотини деб ўйларди. Ақли жойида бўлган  
пайтларда жуда ҳам мулойим, номусли, диндор одам эди. Бирор  
аёлга ёки қизга хирайлик қилмаган. Лекин эс-ҳушидан айрилиши  
билан феъл-атвори буткул ўзгарди. Ақлинни йўқотган одамдан  
нимани ҳам кутиш мумкин?! Аммо ўғли отасини тинмай ҳақорат

қиларди. “Үчир овозингни, бетарбия! Мана бунга қаранглар, мана бунга! Оғзини-чи, оғзини! Оғиз эмас, чориқнинг ўзи! Аллоҳнинг балоси, чол!” – дер эди. Умрида отасига бундай ёмон муомала қилган одамни кўрмаганман. Бола эдим, ўша одамни қаттиқ ёмон кўриб қолдим. Бобомнинг сўзларини эсладим. “Ёш пайтида кексаларга яхши муомала қилмаган одам ўзи қариганида хатосини тушуниб етади, – дер эди бобом. – Қайтар дунё дейишади. Ким нимани экса, албатта, ўша нарсани ўриб олади”.

Боя айтганимдик, ўша одам Истанбулда қўшнимиз бўлди. Отаси аллақачон ўлиб кетган эди. Орадан йиллар ўтди, нуқул қучоғида олиб юрадиган ўғли улғайди. Бир куни шошилинч иш билан уларнинг уйига бордим. Не ажабки, бир пайлар у ўз отасига айтган гапларни энди ўғли унга такрорлаётган эди. Сўзма-сўз бир хил! Фақат оғзини чориқقا эмас, қопга ўхшатди. Валлоҳи, шу воқеага гувоҳ бўлганман. Биламан, ҳозир хаёлингдан мен бувимга ўхшаб телба-тескари гапларни гапирмайман-ку, набираларим ҳам менга гапирмайди-да, деган фикр ўтяпти. Ахир, умрингнинг охиригача миянг ҳозиргидай ишлаб туришини қаердан биласан? Тасаввурларинг, нуқтаи назарларинг, ўлчовларинг ўзгаради. Сен ўзингни билмай қолишинг мумкин... Қара, бувингнинг ўрнига ўзингни қўйиб кўр. Миянг учун нима қила олишинг мумкин? Аста-секин тугаб боряпсан ва нариги дунёга йўл оляпсан, бу дунёда қолиш қўлингдан келмайди. Ҳатто қариллик туфайли оғирлашиб қолган қулоғингни тузатиш ҳам...

- Эҳ! Энди нима қиласман? Бувимдан узр сўрайми?
- Устоз синглим, яна бир марта хуш келибсиз. Уйимиз нурга тўлди. Қанчалик хурсанд бўлганимни билмайсиз. Қандайсиз? Ҳасан бей эшикнинг ортидан туриб гапираётган эди. Ҳойнаҳой, хижолат тортмаслигимиз учун ичкарига кирмади. Фаросат дегани мана бундоқ бўлибди-да. Лекин шундоқ одам хотинини нега нуқул хафа қилаверади, ҳайронман.
- Менга қаранг, синглим, бу уйни ўз уйингиздек кўрмасангиз, жуда хафа бўламан. Юқори қават сизники. Бегонасираб юрманг. Келиним хизматингизни қиласми, келиннинг вазифаси шу-да, хизмат қилиш, бошқа нима ҳам қиласми.
- Оббо! Инсонийлик тахтидан чирпирак бўлиб ерга тушди-ку бу одам. Келин бошқа нима ҳам қиласми. Кошки нотўғри

гапиряпсиз дея олсам. Майли, фурсати келади ҳали бу гапнинг ҳам. Баъзан жавоб қайтаришни кечиктирган маъқул. Бироз гаплашдик, кейин Ҳасан бей кетди. Энди хотинининг жағи очилди.

- Махлуқлар еб кетсин сенгинани, қора мўндининг ўғли кул Ҳасан! Одамга ўхшаб гапиришни билар экансан-ку! Билар экансану, нега шу пайтгача менга икки оғиз чиройли гап айтмадинг? Оғзингдан қонинг келсин, иншаллоҳ! Ўғлимни тинч қўймадинг, мени тинч қўймайсан, лекин бошқаларга ўзингни мулоим қилиб кўрсатасан. Томдан йиқилиб тушгин, хўпми?! Қулоқларингдан осилиб қолинг, мен томоша қилиб турай! Мени хароб қилганинг етмагандай, ўғлимни ҳам ўзингга ўхшатиб қўйдинг. Кўзларинг ерга оқиб тушсин, мен босиб ўтай!

- Нима бўлди, қизим? Француз аскарлар тепаликка келибдими? Энди нима қиласиз?

Бу оиланинг ҳар бир аъзоси алоҳида олам. Ҳаммона - юраги тоза инсон. Баъзи инсонларни йиллаб тушуниб бўлмайди, аммо юраги тоза одамнинг истараси иссиқ бўлади, яхшилигининг нуқси уради-да. Мени қизиқтирган нарса шуки, Ҳаммона қандай қилиб бундай аҳволга тушиб қолган? Эрини ҳаддан ташқари ёмон кўради. Бу нафратдан ҳам зиёда нимадир бўлса керак. Раҳмим келиб кетди бечора хотинга. Бир томондан Гулсаран ва Осудани ҳам ўйлаб, юрагим сиқилди.

Гулсаран билан гаплашдим. Аслида эрини яхши кўрар экан, лекин унга ишонмай қўйибди. “Отасининг гапига кириб хотинини урадиган эркакка ишониш мумкинми?” - деди. Эри ҳарбий хизматдан олти ой кейин қайтаркан, Зайнабнинг эри билан бирга кетибди. Шунинг учун ҳам Зайнабни ўзига яқин олар, лекин қайнатаси у билан кўришишга рухсат бермас экан. Қайнанаси рухсат берганида яширинича бориб, Зайнаб билан дардлашаркан.

Бу икки келиннинг аҳволини Нафисанинг аҳволи билан солишириб бўлмайди. Чунки Нафиса ўзи ёмон кўрадиган эри ва унинг оиласи билан бир жойда яшайди. Сенга зулм қиладиган, сен нафратланадиган одамлар билан ёнма-ён яшаш мажбур бўлишдан оғирроғи бўлмаса керак. Кошки ёмон кўриладиган эр буни сезсаю ўзини ислоҳ қилса... Одамгарчилик қилса... Инсонийликка қайтса...

Қўшнилар бирин-кетин бизни кўргани кела бошлади. Жуда

самимий аёллар, қизлар келяпти. Кўрган-кечирғанларини айтиб беришяпти. Баъзиларининг бошига тушган воқеалар одамни йиғлатмай қўймайди. Келганлар орасида ўқувчиларим ҳам чиқиб қоляпти. Шу тоғларнинг бошигача келибди китобларим. Мойдек                          ёқди,                          тўғриси.

- Осуда! Нафиса масаласи билан шуғуллансанакмикин? Мен Истанбулдан юргургудек бўлиб етиб келдим, лекин ҳалигача Нафиса билан гаплаша олмадим. Бу нимаси? Мен ичимга сиғмай кетяпман, сен эса ўзинг билан оворасан гўё. Нималар бўляпти ўзи?

- Устоз, неча марта уйига борган бўлсам, ҳар сафарида касал эди. Қайнанасини-ку қўйверасиз, бошга битган бало. Лекин ҳозироқ бориб, нима қилиб бўлса ҳам олиб келаман.

- Яхши бўларди. Атайнин унинг учун келганимни албатта айт. Уни қадрлайдиганлар кўпайганини билсин. Бундай эътибор одамда ўзига ишонч ортиши учун ҳам муҳим ҳисобланади. Баъзиларнинг ҳаволаниб кетишига сабаб бўлса-да, кўпинча ижобий                          натижа                          беради.

Жонсарак қиз-да Осуда. Менимча, бошқаларнинг дарди учун елиб-юрганидан ўзини унутиб қўяди. Бундай инсонларнинг ўз дардини ўйлашга вақти бўлмайди. Ажойиб қиз Осуда тушмагур. Қўнғир сочли, тез-тез “Мен сўйлоқман”, деб айтиб турадиган қиз. Бу ҳолатидан уялади, нуқул оғзини қўли билан ёпишга урингани уринган. Билмайдики, сўйлоқ бўлишни хоҳлайдиганлар ҳам бор бу дунёда. Қолаверса, ҳеч бир жисмоний чирой ахлоқий гўзалликдан устун бўлолмайди. Осуданинг серғайратлиги ҳар қанча таҳsinga лойик, лекин ўринсиз ийманишлари менга маъқул келмади. Бошида дуррачаси бору, лекин рўмол ўрамайди. Ҳаво совуқ бўлишига қарамай ёқаси очик, юпқагина кўйлакда юрибди. Гоҳида хаёлларга толиб кетади, аммо ўйларини ташига чиқармайди.

- Мени нотўғри тушундинг, Осуда. Ахир, кироман котибларидан<sup>[1]</sup> эмасман, дуч келган одамга диний савол бермайман. Ёки ўйламай гапирадиган одамга ўхшайманми? Шунчаки                          совқотмайсанми                          деб                          ўйладим.

Менга маънили қараб қўйди. Бу қарашибнинг маъносини бир неча ойдан кейин билдим. “Ўзинг ўранмаган қиз экансан, мени нега чақирдинг, деб дакки берса, нима дейман”, деб ўйлаган экан...

- Мен ёняпман-ку, устоз, ёняпман! Сиз эса совуқ дейсиз. Бугун

қор бутунлай эриб кетди. Икки ҳафта олдин шу тоғда кўрмадингиз-да мени, довдир бузоқقا ўхшаб югуриб юргандим. Қор гупиллаб ёғиб ётиби, мен эса битта кўйлакдаман. Парвойимга келгани йўқ.

Аслида Осуданинг ҳам, Гулсаран ва Ҳаммонанинг ҳам дарди тўлиб кетганини кўриб турибман. Аммо ҳозир бор эътиборим Нафисада.

Осуда Нафисанинг уйига кетди. Кимлардир менга нималардир деяпти, нималарнидир сўраяпти. Бир сўзни эшитаману, иккинчиси қулоғимга кирмайди. Чунки хаёлим бутунлай бошқа жойда.

Нафисанинг ҳаётида нима борки, у ўзини ўлдирмоқчи? Бу савоннинг жавобини тополмаганимдан телбага айланәздим. Жуда ёмон нарсалар тушган бўлса керак бошига. Ёки ўлимни осон нарса деб ўйляяптимикин? Аначайин диндор инсон бўлиб, ўлим қўрқувини енга олган бўлса, тушунаман, лекин бу ўлим истаги бошқача. Миямда турфа фикрлар чарх уряпти.

Осуда қайтди. Нафиса мен билан кўришиши осон бўлмаслигини айтиби. Хафа бўлдим, лекин қарорим қатъий. Нафиса билан албатта учрашаман.

Ҳар хафагарчилик учун бизга сабр бер, Аллоҳим!...

ЖОҲИЛИСТОН

КЕЛИНИ.

(8-қисм)

7 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

Кечаси балконга чиқдим. Ой шуъласи шунчалар чиройли кўриняптики, қишининг совуғи эсдан чиқиб, танимга илиқлик югарди.

Хаёлим яна Нафисага кетди. Осуда билан гаплаша олмабди, кўзи билан қайнонасига ишора қилиби. Аллоҳ, Аллоҳ! Бу нимаси, ҳеч тушунолмаяпман. Ёшгина аёл ҳатто ўлимига рози бўладиган даражада азоб чекяпти, биз эса ҳалигача ҳеч нарса қилолмадик...

Қишида ҳеч қачон ой нурини бунчалик яқиндан, бунчалик жўшқин туйғулар билан кузатганимни эслолмайман. Аллоҳ ойни оят деб атаган[1], айни лаҳзаларда ой исмли шу оятга ўзгача нигоҳ билан қараб турибман. Нурларининг юрагимгача сизаётганини хис қиляпман. Тоғларнинг жозибасини айтмайсизми... Фусункор бу кечанинг файзига қалбим дош

беролмайдиган кўринади. Нигоҳим самодан ерга қайтди. Қишлоқнинг ўнг томонида, тепаликдаги бир уйда чироқ ёнганини кўрдим. Кейин масжид ҳам ёришди. Беш-олти дақиқадан кейин аzon овози эшитила бошлади. Бу гўзал қишлоққа юқоридан бир қур назар ташладим. Секин-аста чироғи ёнган уйларнинг сони орта борди, демак, намоз ўқишиди. Тўғриси, бу қишлоқда бунчалик кўп киши намоз ўқишини билмаган эканман.

Нафиса хаёлимдан кўтарилиши билан кечанинг чиройи кўзларим олдида намоён бўляпти. Уни эслашим билан ҳеч нарсани кўролмаяпман. Ўйга толаман.

Аёлларни фақатгина эркаклар эзишига ишонадиганларни тушунмайман. Мана, ўз жонига қасд қилишни истаётган бир аёл. Ҳам эркаклар, ҳам аёллар томонидан эзиляпти. Баъзи жойларда эса эркакларни эркаклар эзади. Алғов-далғов дунё! Одамлар бирма-бир ўзини ислоҳ қилмагунча комил жамиятдан умид йўқлиги ҳақидаги ўй қанчалар аламли. Юракни зириллатади.

Ҳасан бейнинг овози ҳеч кесilmайди. Нуқул бақиргани-бақирган. Хотини Ҳаммонанинг товуши эса умуман эшитилмайди. Ҳасан бейнинг “Мени бақиртирманглар! Бақирганимни, айниқса сўкинганимни меҳмонлар эшитиб қолса борми, ҳаммангни сўяман!” деган таҳдидли огоҳлантириши бот-бот қулоғимизга чалинади. Бизни эшиитмаяпти деб ўйлаяпти-да. Бизнинг эса таъбиrimиз хира бўляпти, гапларни эшиитяпмиз дейликми ёки демайликми, нима қилишни билолмаймиз. Қизлар безовта, лекин парво қилишмаяпти. Улар жуда хурсанд, ҳар куни китобнинг бир бобини ўқиб, луғатдаги сўзларни камида ўн мартадан ёзишяпти.

Уларга баъзи миссионерлар қандай ишлаши, зилзила бўлган ҳар жойга етиб боришлари, қанчадан-қанча ёш насроний қизлар ва йигитлар очлик ва ташналика, совуққа ва жазирама иссиққа қарамай Ироқда, Туркияда, Афғонистонда, Покистонда ва шунга ўхшаш ўлкаларда жуда катта ғайрат билан ҳаракат қилишлари ҳақида гапириб бердим. Қизлар бу қишлоқда бир ой қоладиган бўлишса, тўрт жилдлик «Йўлбошчи»ни ўқиб тугатишларини, мусулмон ёшлар ҳам ўқишлиари ва ўз динларини ёйишга уринишларини исботлашларини айтишди. Пастки қаватга тушдим. Мени ичкарига таклиф қилишиди.

Бўсағада Гулсаран билан тўқнашдим. Қараши шунчалар қайғули эдики, гўё «Аслида мен қутқаришингиз керак», деяётгандек эди. Бундай ғамбода нигоҳлар инсонга азоб беради. Ичкарида Ҳасан бей ҳам ўтирган экан, мени одатдагидек илтифотлар билан қарши олди.

- Мехмон келганида одам дегани ўрнидан туриши керак. Шу қилиғинг учун молсан дер эдиму, ёзувчи опанинг олдида уят бўлади.

- Вой, она-ей, бўлар-бўлмас гапларни гапирманг! Чарчатиб юбордиларинг, қай бирингизга қарай?.. Аллоҳ, Аллоҳ! Ёшларни қон қусдирадиган одам ота-онага уф тортиш гуноҳ эканлиги тўғрисида гапиряпти. Қизик, унинг дунёсида гуноҳ нима ўзи? Кексаларнинг дилини оғриши гуноҳу ёшларнинг дилини оғритиш гуноҳ эмасми? Бу одамни тушуниб бўлмайди. Мен шу нарсаларни ўйлаётган бир пайтда Ҳаммонанинг онаси жаҳл қилди:

- Менга қаранг, ҳой куёв! Бу нимаси? Ким бўлибсизки, менинг қизимга бақирасиз?!

Ажабо! Ҳасан бей кулимсираганча жавоб қайтарди: У кулимсираган кўйи ташқарига чиқди. Ҳаммона қўлидаги ўқловни силкитганча эрининг ортидан жаврашни бошлади: Умуман хаёлга келмайдиган гапларни гапиради Ҳаммона. Орадан ҳеч қанча ўтмай Ҳасан бей қайтиб келди. Отвёртка керак бўлиб қолибди. Ҳаммона ўша заҳоти ўзгарди: Буларнинг барини ҳайрат билан кузатардим. Ўзимни худди театрда ўтиргандек ҳис қиляпман. Ҳасан бей кетиши билан Ҳаммона келинини чақирди:

Гулсаранинг қарашига ҳожат қолмади.

Истар-истамас кулиб гапирдим:

- Қандай жавоб қайтарай, эгачи? Юзига қараб гапирсам мени бўғизлаб, шифтга осиб қўяди-ку. Бу одамнинг қанақалигини ҳеч ким билмайди. Мени адойи тамом қилди, жонимдан бездириб юборди. Ортидан ҳам гапирмасам, эсим оғиб қолади. Ичи дард билан тўлган қўрғонга ўхшайман, ёниб кул бўлдим... Эшикдан ичкарига кирсангиз, йўлакни кўрасиз. Зални балиқ овлайдиган тўр билан безабди. У ердан ҳордиқ хонасига ўтасиз. Ерга йўрукларнинг[2] қўлда тўқилган ажойиб гилами тўшалган. Миндерларнинг[3] ранги хонадаги рангларга мос бўлишига эътибор берилган. Пардалар ҳам миндернинг матосидан

тикилган, тўрпарда эса балиқ овлайдиган тўрдан. Қалин дарахтдан ясалган бир нечта тўнканинг ичи ўйилиб, жило берилибди ва ҳар бурчакка қўйиб чиқилибди, устида эса биттадан носқовоқ бор. Носқовоқларнинг ичига қуриган атиргул, бошоқлари тўкилмаган буғдой илдизи билан қўйилган. Ўчоқ бошининг декорацияси қилинган, одамнинг ўчоқ бошидан узоқлашгиси келмайди...

Айтишларича, тартибли одамлар закий ва нозик таъбли бўлишар экан. Хўш, унда бундай таъбнинг эгаси нега бунчалар қўпол?.. Истар-истамас шу савол одамнинг хаёлига келади. Қачон қарама ҳамма нарсага аралашаверадиган қайнанасининг ҳурматини жойига қўяди. Тинмай гапирадиган, тинмай танқид қиласидиган бу аёлга ғиринг демайди. Аммо ана шу бағрикенглиги бошқаларга келганда тугаб қолади! Шу қишлоқдан ақл-хушимдан айрилмай кетсам, ўзимни ўзим табриклаб, Раббимга шукрлар қиласман...

**ЖОҲИЛИСТОН КЕЛИНИ.** (9-қисм)

8 iyun 2020. Muallif: Bayuina.uz

Ниҳоят Нафисаларникига борадиган бўлдик. Қайнанаси билан қайнэгачиси аввалига рўйхушлик беришмабди. “Бизнинг ёзувчилар билан нима ишимиз бор? Унинг биз билан нима иши бор?” - деб сўрашибди. “Майли, келаверсин”, - дейишибди охирида.

Бу қандай дунё бўлди?.. Бир инсонни қутқармоқчисиз, лекин ўғридай яшириқча, фирибгардай ҳуркак ҳаракат қилишга мажбурсиз. Болалик пайтларимда инсонийлик ҳақидаги тасаввурлар бошқача эди. Яхшилик аниқ-тиник эди, ёмонлик ҳам. Сохтакор ҳам маълум эди, тўғрисўз ҳам. Ёки менга шундай туйилармиди?.. Ақлиминг ортидан эргашиб, тушунишга ҳаракат қиляпман. Қизиқ, болалигимда ўзим яхши кўрадиганларни яхши, ёқтирамайдиганларимни ёмон одамлар деб ўйлармидим?..

Ҳалигача Нафиса билан кўриша олмаганимдан юрагим сиқилиб кетди. Сабр деворимнинг ғиштлари бирин-кетиб кўчиб туша бошлади. Аммо хатога таслим бўлмаслик борасида қарорим қатъий.

Осуда билан Нафисаларнинг уйига кетяпмиз. Бу кунни минг ҳаяжон билан, умид билан кутдик. Кечаси уйқумиз қочиб,

Нафиса билан учрашиш ҳақидаги орзуларга берилдик. Қор ёғиши дам-бадам тұхтаяпти, йүлларда эса әриб кетибди. Қандай гүзал манзара дея тоза ҳаводан түйиб-түйиб нафас олмоқчи әдим, Нафисанинг осмонга ғамгин боқишини үйлаб кайфиятим тушди. Унинг уйига яқынлашиб қолдик. Аслида яқинимизда, лекин руҳан бизлардан минглаб чақирим наридаги уй бу. Севган кишисини күриш илинжида йўл босаётган кишининг аҳволидаман ҳозир.

Бечора Нафиса... Бахтли бўламан деб борган уйи унинг учун зиллатхонага, азобхонага айланишини қаердан ҳам билсин... Қайнанаси ва қайнәгачиси ўзларини қандай тутаркин деб ичим қизияпти, бир томондан қўрқяпман ҳам. Қўрқувимнинг сабаби улар эмас, ўзим. Густоҳлик қиласидиган бўлишса, чидолмай ўзимни қўлга ололмай қолишдан, жоҳиллик ва хато қилиб қўйишдан қўрқяпман.

Ғам-ғусса деворларигача сингиб кетган уйга кирдик. Нафиса ётган жойидан турди. "Хуш келибсизлар", - деди қайнанаси. Нигоҳларида ҳадик яширинган. Катта келин ҳам саломлашди биз билан. Кейин бизга миндер қўйиб, ортидан айрон беришди. Мехмонга ҳали ўтириб улгурмасидан нимадир тортиқ қилиш тезроқ кет дегани. Лекин ўзимни билмаганча солишга мажбурман, чунки бир жонга ёрдам беришим керак. Ўша жон учун керак бўлса, ғуруримни топташларига ҳам розиман. Қайнана рўпарамга ўтирди. Қизи хушламайгина қараб турди-да, ҳатто саломлашмасдан чиқиб кетди. Катта келин тик турибди, Нафиса ҳам. Озроқ суҳбатлашгач катта келиндан сўрадим:

- Келин дегани қайнанасининг олдида ўтирмайди.
- Валлоҳ, менга қайнанам ўргатган. Албатта, қандайдир сабаби бор. Биздан аввалгилар ҳурмат маъносида шундай қилишган.
- Қизингиз ёнингизда ўтириши мумкинми?
- Лекин бу келин ҳеч қачон ўтирмайдими?
- Сиз қайнана сўзининг маъносини биласизми?
- Йўқ. Қайнан - вакил, қайнана - вакил она дегани. Яъни тик турган келин учун ҳам, касал бўлган келин учун ҳам сиз она ўрнидасиз. Вакил она келинга зуғум ўтказмайди, зулм қилмайди. Аммо ота-боболаримиздан қолган одат деган баҳона билан қайнаналарни гуноҳ қилишга мажбурашади. Баъзи жойларда ботил урф-одатларнинг дастидан келинларга қулдек муомала қилишади. Қайнаналар ҳам, қайнаталар ҳам ҳақ билан

хукм юритишмаса, келинларига зулм қилган бўлишади. Ҳисобкитоб кунида бу зулмлар қанчалар ёмон пушаймонликка айланишини билсангиз эди! Инсоний тақчиллашган бу дунёда нуқул ўзимизга зарар келтирамиз. Ҳа, майли. Касал келингизга нима қилди?

Бу саволим қайнанага ёқмади. Қўлларини ишқалади. Аввал келинига қаради, кейин Осудага. Инкор қиласман деса, Осуданинг ҳамма нарсадан хабар бор. Ичидан пишган бу аёл. Мен эса диндорман, диндорлар жинкашлару азайимхонларга ишонади деб ўйлашади-ку, аёл ҳам осонини танлади: - Келинимизни жин чалди, ўзини ўлдирмоқчи. Бу нимаси, ҳеч ақлим етмаяпти. Ахир, туппа-тузук яшаб турган келинсан, нега ўзингни ўлдирасан? Жинларнинг иши бу, ёзувчи эгачи, ҳа, жинларнинг иши. Келинимни телба қилиб қўйди улар. Нафиса билан холи гаплашишимни исташмаётгани аниқ эди. Бу аёл мени эътиrozларга қарамай тасвирга оладиган журналистларга ўхшатаётган бўлса керак. Келинининг сиридан воқиф бўлсам, буни ошкор қилишимдан хавотир оляпти. Журналистларга ишонч қолмаган. Ўзи кимга ишонч қолди?.. Аввалига ҳар хасталикнинг сабабини жинлардан, сеҳрдан қидиришнинг маъниси йўқлигини тушунтирудим. Кошки сўзларим кор қилса. Сохтакорлар ўз ёлғонларига одамларни қанчалик ишонтира олса, мен ҳақиқатга шунчалик ишонтира олмадим.

Хатто эркак азайимхонларнинг олдида ҳам аёлларни ёлғиз қолдирадиган жоҳиллар аёл кишининг ҳамжинси билан ёлғиз қолишига қарши чиқмаса керак деб ўйлагандим.

Вақти-вақти билан ўйга чўмиб қолади... Йиғлайди... Уфтортади... Ёқасининг тугмасини ечади. Ҳойнаҳой, булар руҳий жароҳатнинг асоратлари.

Қайнана қарадики, мен тихирлик қилмаяпман. Хавотири ариди шекилли, рухсат берди. Хурсанд бўлганимни сездирмадим. Майли, ҳеч қўймадингиз-да, дегандек Нафиса билан нариги хонага ўтдим. Кетаётиб ёнимизга ҳеч ким кирмасин деб қаттиқ тайинладим. Бироқ қайнана тахта деворлар ортида туриб гапларимизга эшитишга уринишига ишоним комил эди.

ЖОҲИЛИСТОН

9 iyun

КЕЛИНИ.

2020.

Muallif:

(10-қисм)

Bayuina.uz

Хорғин, бахтсиз ва ўзини ўлдиришга тайёр кишининг кўзларини ҳеч қачон бунчалик яқиндан кўрмаган эдим. Ё, Аллоҳ! Қанчалар қўрқитувчи нигоҳ бу!

Унинг жавобини эшитиб ўтирмаи, қофозга “Бошинг билан имо қил, дардинг маҳрам масалами?” деб ёздим. Ёзувни кўрсатиб, яна савол бердим:

Бечора ҳам ёзма, ҳам оғзаки саволларимга жавоб беришига тўғри келади. Бошини силкитиб, “Ҳа, маҳрам масала”, деб жавоб қайтарди. “Ҳозир дардингни тушунтириб ўтирма, бошқа пайт гаплашамиз. Ҳар бир саволимга уларни мақтаб жавоб қайтар. Тўғри жавобни эса имо-ишора орқали бер”, дедим. Сандиқ устидаги кўрпа-тўшакнинг устига ямоқ солинган чойшаб ташлаб қўйилибди. Ердаги шолчанинг ҳам ямоғи бор. Ўнг томонимиздаги деразанинг ойнаси синган. Кичкинагина хона. Лекин ҳамма нарса топ-тоза.

Ўзимни хонага кўз югуртираётгандек кўрсатсам-да, аслида кўзларимни Нафисанинг ҳуркитувчи нигоҳидан олиб қочяпман. Шу тариқа фикримни тўплашга уриняпман.

- Ҳааа, шундай дегин. Билишимча, жинлар инсонларни ўзини ўлдиришга мажбурлай олмайди, демак, бу ердаги жинлар жуда муғомбир.

Ишончим комилки, қайнанаси бизни эшитяпти ва эшитганларидан хурсанд.

- Нимадир қийнаяптими?

- Янги турмуш қурганларда кутилмаган муаммолар чиқиши мумкин. Сизда ҳам турмуш билан боғлиқ муаммо борми?

- Уйқудан бақирганча уйғониб кетган пайтларинг бўладими?

- Эрингни яхши кўрасанми?

“Ҳа” деб ишора қилгач:

Бир пайтлар оҳулар ҳақида ҳикоя ёзгандим. Бир оҳу боласи онаси билан юрганида овчи унга қаратади. Она-бода оҳулар қочади. Анчагина юргургандан кейин кичик оҳу кўп қон йўқотгани учун ҳолсизланиб йиқилади.

Боласининг кўзларидан ёш оқаётганини кўрган онаси ҳам йиғлай бошлайди. Боласи уни овутади.

- Хафа бўлманг, онажон. Овчиларнинг қўлидан ўлим топиш йиртқичларнинг панжасида ўлишдан яхшироқ эмасми? Иккиси бир-бирини юпатар экан, она оҳунинг юраги дош беролмай жон таслим қилади. Ярадор оҳу энди ҳўнграб

йиғлайди:

- Онажон! Жоним онам! Ўзимнинг ўлишимни билардиму сизнинг ўлишингизни билмасдим. Ёнимда бўлганингиз учун ҳатто нафасингиздан ҳам ўзимга куч олаётгандим. Энди эса шу ҳайбатли тоғларнинг қўйнида мени ёлғиз ташлаб кетдингиз...

Аммо Нафиса тўккан ёшлар кўлга айланмайди. Чунки у ҳар сафар ҳар хил жойда, ҳаммадан яшириқча йиғлайди.

- Нафиса! Назаримда Аллоҳнинг тавсияларига эҳтиёжинг бор. Мен Осудаларникида бирор ой қоламан, ўша ерга кел, сенга Аллоҳ дардмандларга қандай тавсиялар бергани, У қандай инсонларни яхши кўриши ҳақида гапириб бераман. Абадият, жаннат ва жаҳаннам, ўз жонига қасд қилиш қандай гуноҳлиги тўғрисида гаплашамиз. Рухий тушкунликдан чиқишингга ёрдам берадиган оятларни кўриб чиқамиз. Нима дейсан? Қўли билан рухсат беришмайди дея имо қилганча жавоб қайтарди:

- Жўнатади, албатта. Қайнананг сенинг яхшилигингни ўйлагани учун ҳам жўнатади. Ҳалиги, жодугарсифат қайнаналар бор-ку, сенинг қайнананг уларга ўхшамайди. Мен шундай золим қайнаналар кўрдимки, айтсан ишонмайсан. Биттаси бор эди, ҳатто ҳожатини ётган жойида ушатиб, келинига тозалаттирас, “Сени ўғлимга бекорга олиб берганманми? Дарров тозала”, дер эди. Сенинг қайнананг унақа аёл эмас-ку! Машааллоҳ, қўл-оёғи соппа-соғлом. Сизларга бундай зуғум ўтказмайди, бунинг учун шукр қилишингиз керак. Мен ундан рухсат сўрайман. Сабоқ оладиган одамнинг хаёли хафагарчиликлардан арийди. Кел, ўзимизни Аллоҳга таслим қилишнинг йўлларини қидирайлик биргаликда.

Яна кўзларимиз тўқнашди. Оҳ, менга бундай қарама, Нафиса... Нигоҳларинг ўқдан-да кескир, кўзларингдан пуркалган оташ то жигарларимгача етиб боряпти...

Хеч келмайдиган баҳорларда,  
Нафиса учун ич-ичдан йиғлаётган бўлсам-да, унга сездирмай  
гаплашдим. Ишончим комилки, қайнанаси олдимга боришига  
рухсат беради, мен эса унинг дардига малҳам топишга  
уринаман. Аввал унга қулоқ тутишим, муаммоси нималигини  
аниқлашим зарур.

Яна озроқ гаплашгач хонадан чиқдик. Икки дақиқа ўтиб-утмай

қайнанаси келди, кайфияти жойида эди.

- Ташқаридан хабар олиб келдим. Нима бўлди, гаплашиб олдиларингми?

Нигоҳим яна тик турган келинга тушди. “Мени ҳам таклиф қилинг!” деяётгандек эди гўё. “Ўзимни ўлдиришга уринмаяпман, лекин жоним ҳиқилдоғимга келган”, демоқчи бўлгандек туйилди. “Ёшлигим хазон бўляпти, бу қандай ҳаёт ўзи? Мен чекаётган азоблар ҳатто қулларнинг ҳам бошига тушмаган”, деган маънони уқдим кўзларида.

Тушуниб турибман сени, маъсума келин. Ҳозир сен ҳақингда оғиз очсан, бу аёл сени ҳам, Нафисани ҳам менга кўрсатмайди. Осудага қарадим. Кўзлари севинчдан порляяпти. Бу уйда ортиқча ўтиргим келмади, тўғрироғи, тик турган келин тезроқ ўтиришини истадим.

- Қизим, жоним болам. Отангнинг койишларидан хафа бўлма, хўпми? Менга нималар қилаётганини кўриб турибсан. Болаларим учун сабр қиласман, сен ҳам сабр қил, ақалли мен учун сабр қил. Бу дунё имтиҳон дунёси билсанг. Отангнинг биттагина яхши томони бор - онамга яхши муомала қилади. Мақташга арзигулик бошқа ҳеч нарсаси йўқ, лекин нима ҳам қилардим, жоним болам. Сен ҳам чида, сабр қил.

- Қора кўзлигим менинг, сен учун хайрли бўлолмадик-да. Ҳали эринг ҳарбийдан қайтсин, нималар қилишимни кўрасан. Сенга қўлининг учини теккизиб кўрсин-чи, мендан кўрадиганини кўради.

- Онажон! Сиз бўлмаганингизда, Осуда ҳам бўлмаганида мен нима қилардим? Шу ҳайҳотдек дунё қандай яшардим?..

- Аллоҳ, Аллоҳ! Чинда ҳам жуда ғалати жойга келиб қолибман. Икки хонадонни кўрдим, иккисида ҳам дард тўлиб кетган. Дардмисан дард, адoғи йўқдек. Майли, Нафиса билан эртага кўришиб, гаплашиб оламан. Бугун сени эшитиб кўрай, нимагадир фойдам тегсин.

Осуда ўчоқнинг бошига ўтирди. Енгил ёнаётган ўчоқقا ўтин ташлади. Кейин чўқقا кўмилган картошкаларни чиқариб олди. Талабаларим пастга тушишди. Ҳаммона уларга қишлоқни кўрсатмоқчи эди. Хаёлим Нафисага кетиб қолаётган бўлса-да, эътиборимни Осудага қаратишга уриндим.

- Гапирақол, Осуда. Эҳтимол сенга нафим тегар...

## ЖОХИЛИСТОН КЕЛИНИ. (11-қисм)

10 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

- Олти ёшларда эдим. Жохил бир аёлнинг сўзлари ҳаётимни остин-устун қилиб юборди. “Вой, бу қиз мунча чиройли экан? Катта бўлса, ўғлим Фарҳодга олиб бераман”, - деди мени кўриши билан. Ҳамма нарса ана ўшандада бошлади. Бола бўлсам-да, Фарҳодни ўзимники қилиб олгандим. Кейинроқ айни мактабнинг айни синфида ўқий бошладик. Фарҳод бирор қизга ҳатто ўчирғич берса ҳам, қизғанчиқлигим тутар, уни кўриш учун мактабга ҳаммадан эрта бориб олардим.

Уйда сомса ёпилса, яшириқча унга олиб борардим. У ҳам мени яхши кўтарди. Тўртинчи синфда буткул ошиқ бўлиб қолдим.

Фарҳоднинг отаси қишлоғимизнинг оғасидай[1] одам. Отам билан ораларидан қил ўтмайди. Кунлардан бирида уларнинг уйига бордик. Телба онаси Нафисанинг қайнэгачисига: “Сени Фарҳодга олиб бераман”, - деса бўладими. Менга айтган гапи эсидан чиқиб кетган экан. Қаттиқ хафа бўлдим. Худди уни мендан юлқиб олишгандай туйилди. Ўзимни йўқотиб қўйдим. Фарҳод ҳам ўша ердайди, у билан кўзларимиз тўқнашди. “Менинг яхши кўрганим бор”, - деди онасига. Хурсанд бўлиб кетдим.

Энди-энди тушуниб етаяпман, болаларга ҳеч ким сени келин ёки куёв қиласман демаслиги керак экан.

Бу туйғу билан улғайиш нималигини биласизми? Гўё ҳужайраларингизгача сингиб кетади ўша севги. Бир томондан турмушга чиқишдан қўрқаман. Тўйдан олдин ёндим-куйдим деб юрган йигитлар тўйдан кейин ўзгариб қолишади. Айниқса отоналарининг олдида аёлларига итга муомала қилгандек муомала қилишади. Ўша аёллар киноларда итларга кўрсатиладиган иззатни кўриб қолишса, шундай қийин аҳволга тушишадики. Бунақа бўлмаслиги керак, ахир. Яна бир гап: Фарҳоддан ўзим кутган эътиборни кўра олмаяпман.

- Баъзан севган кишилар нима қилишларини билмай қолишади. Шунинг учун ҳам уларни телба бўлаёзган одам деб ҳисоблашади.

- Иншааллоҳ, шундайдир. Аслида мени севишига шубҳам йўқ. Лекин қўрқяпман, ҳис-туйғуларим алғов-далғов. Қизиқ, ошиқлар менга ўхшаган бўладими?.. Бир нималардан хавотирдаман. Айтайлик, Фарҳод мени севди, мен эса уни. Феъли отасига тортиб кетса-чи деб қўрқаман. Отаси хотин олиб, хотин қўйиш билан овора. Пули кўп-да. Камига оға. Оғалик фақат шарқда[2] бор деб ўйлашади, бу ерларда ҳам бор. Ерларни тортиб олишади, қишлоқдагиларни хизматкор деб ўйлашади. Бу оғалик бўлмай нима?.. Хуллас, унинг отасини ёқтирумайман. Менинг отам қўпол одам, онам билан янгамга кун бермайди, лекин номусли одам. Бироннинг аёлига, қизига зарар бермайди. Фарҳоднинг отаси билан бир уйда яшашни тасаввур қилолмайман. Аммо юрагим ўзимга бўйсунмаяпти. Фарҳод ҳар куни менга хат ёзади. “Қўрқма, мен отамдек бўлмайман”, – дейди. Онам эса: “Олманинг тагига олма тушади, отасидан ўрнак олади барибир”, – дейди. Онам ҳаёт нималигини жуда яхши билади. Тўғри, саводи йўқ, лекин тажрибаси бор. Унинг сўзларига ишонаман, юрагим эса ўзимга қулоқ солмаяпти. Неча ёшга келдим, ҳалигача уларницидан совчи келмади. Аросатда қолиб кетдим. Айтинг, нима қилай? Фарҳод Аллоҳнинг бирорта қулига мени севишини айтмаган...

Севгилисини тоғларни тешиб бўлса ҳам келишини кутяпти.

Ҳозир унга у оиласа келин бўлмасликни маслаҳат берсам, хафа бўлиши аниқ. Нима десамикин...

- Осуда!

- Ечимда Фарҳод бўлмаса ҳам, қабул қиласанми? Менимча, шартлар қандай бўлмасин, Фарҳод билан турмаш қурмоқчисан, шундайми?

- Сенинг масаланг ҳақида албатта гаплашамиз. Лекин ҳозирча навбатга қўяйлик. Аввал Нафисанинг ишини ҳал қилишимиз керак. Менга унинг қайнэгачиси ҳақида гапириб бер. Биз ичкарига кирап-кирмас қовоғини осилтирганча

ташқарига чиқиб кетди. Ҳатто хуш келибсизлар ҳам демади. У нимани хоҳлайди ўзи? Бир нималар деган әдинг у тўғрисида, ўша пайтда яхши тушунмаган эканман.

- Уми? У ғирт ғалвачи. Камига ўтакетган ёлғончи. Асабларимни адои тамом қилди. Инсонийлик нималигини билмайдиган антиқа махлук у. Ҳасадгўйлигини айтмайсизми. Икки дўстни кўриб қолса борми, бир бало қилиб бир-биридан айришга ҳаракат қиласди.

- Аллоҳ, Аллоҳ! Нечта қишлоқقا борган бўлсам, одамлари жуда ажойиблигини кўрганман. Сизларнинг қишлоқда яхши одам йўқми?

- Бор, албатта. Масалан, онам. Фариштанинг ўзгинаси. Қўшнимиз Закия ҳам жуда яхши, Орзу ҳам. Ойша аммамни кўрсангиз, отамнинг ғирт тескариси. Қишлоғимизнинг раиси ҳам яхши одам. Бошқа раисларга ўхшаб қўлида қурол билан юрмайди, бойларга бошқача, камбағалларга бошқача муомама қилмайди. Ўқитувчимизни ҳам ҳар қанча мақтаса арзиди. Ҳожи бобо билан ҳожи буви бор, улар ҳам яхши. Мана шунаقا, қишлоғимизда яхшилар кўп.

- Бунисини билмайман. Зуғум деган нарса одатга айланиб кетган биз учун, ҳеч ким эътибор ҳам бермайди. Китобларда, мақолаларда нуқул жануби-шарқ томондаги эзилган аёллар ҳақида ёзилади. Майлику-я, ғарбий, шимолий жойларимизда ёзилаётган аёллар ҳақида нега ҳеч ким гапирмайди, ҳайронман.

- Шарқдагиларга ҳасадинг келдими? Агар шарқдагилар муаммоларини айта бошлаган бўлса, уларни табриклишинг керак. Сен эса ўзинг яшайдиган ҳудуддаги муаммоларни кўтариб чиқ, ечимлар айт.

- Йў-ў-қ! Ҳасадим келмаяпти. Шарқда ҳам аёлга зуғум қиласдиган эркаклар ёки аёллар бор. Унақаларнинг бу ерда ҳам борлиги бир ҳақиқат. Бу ерда келинликнинг азоби аёлларнинг ўзи қайнана бўлгунча, ҳатто қайнана бўлгандан кейин ҳам тугамайди. Европада келинларни эзишмайди, тўғрими?

Тўғриси, ўзим ҳам авваллари Европани бекусур деб ўйлаганман шекилли. У ерда биринчи марта тиланчини кўрганимда ҳам, ерга тупурган одамни кўрганимда ҳам роса ҳайрон бўлгандим.

- Осуда, у ерда сен ўйлаган келинлар йўқ. Эрга теккаларнинг ярми ҳеч қанча ўтмай ажрашишга тушади. Қолаверса, ёмонлар ҳамма жойда бор. Европада келинларнинг бари баҳти эканини қаердан ҳам биламиз, тўғрими? Мен бир католик келинни кўрганман. “Кошки Африкада қул бўлсайдиму, шу хонадонга келин бўлиб тушмасайдим. Шунчалик кўп босим ўтказишадики, ҳатто қадам ташлашимни ҳам гуноҳ деб ўйлашади”, - деган эди. Албатта, келинига яхши муомала қиласидиган католиклар ҳам бор. Ҳақиқат деган нарса Европада ҳам ҳақиқат, Маккада ҳам ҳақиқат ҳисобланади. Аллоҳнинг тавсияларига амал қилинмаган ҳар жойда каттаю кичик ҳам, инсону ҳайвон ҳам азоб чекади.

Европани жаннат деб ўйлама. У ерда технология ривожланяпти, лекин инсонлар хароб бўляпти. Сен, яхшиси, шу ғалвачи қиз ҳақида гапир. Нималар қиласиди у? Жуда қизиқиб қолдим.

## ЖОҲИЛИСТОН КЕЛИНИ. (12-қисм)

11 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

- Унинг қандай инсон эканлигини тушунтириш бериш осон эмас, устоз. Ҳатто шайтон ҳам унга ҳайрон қолса керак. Масалан, мен Ойшани яхши кўришимни айтдим. У эса дарров нифоқ суқишишга уринади. “Ўтган куни бирорга гапираётганида эшишиб қолдим, сени роса ёмонлаётганди”, - дейди. Мектабда синфнинг энг аълочи ўқувчиси эдим, ўқитувчига мени кўчирмакаш деб айтибди. Албатта, ўқитувчимиз ишонмади. Бир куни эса Фарҳодга хат ёзиб, “Осуда Набини яхши кўради. Набига айт, қиз бечорани қутқарайлик”, - дебди. Жинни бўлиб қолаёздим. Олдига бориб, яхшигина пўстагини қоқдим, ҳатто ўзимни ўзим таниёлмай қолдим.

- Аллоҳ, Аллоҳ! Фарҳод нима деди?

- "Құявер, телба у. Үзича мени сендан узоқлаштиromoқчи. Лақма әмасман", - деди. Билсангиз, яна қанчадан-қанча қутқулари бор унинг. Бирор аёлга душман бўлиб қолса, албатта, эрини унга қарши қайрашга ҳаракат қиласи. Кимгадир ҳасад қиласа ёки кимнидир ёқтирмаи қолса, кайфиятини шундай устомонлик билан бузадики, сезмай қоласиз. Лекин энди ҳамма унинг кимлигини билиб бўлди. Ҳатто бувим ҳам биладилар.

- Ундаи деб ўйламайман. Қайнәгачисини деб ўзини ўлдирадиган даражада ақлсиз әмас Нафиса. Агар шундай бўлганида, албатта, менга айтар эди. Эртага қайнанаси уни сизнинг олдингизга жўнатади. Жўнатмай ҳам кўрсин-чи. Нафиса ўзини ўлдиришга урингани учун оиладаги ҳаммадан прокуратурада кўрсатма олишибди. Эҳ, эртанги кун тезроқ кесин! Нафиса нега ўзини ўлдирмоқчи бўлганини билиб оламиз.

Зудлик билан пастга тушдим. Ҳасан бей мени кўриши билан келинининг сочини қўйиб юборди. Хижолат бўлиб тиржайганча менга қаради:

- Айбга буюрманг, устоз хоним. Олдингизда яхши бўлмадида. Кўрмайсизми, ҳеч гап уқмайди бу келин. Кеча сизга қўй гўштидан пиширилган қовурмани бермабди.

Юзига ҳайронлик билан боқдим. Нега бунчалик жаҳл қиласи? Нега келинини одам ўрнида кўрмайди?..

- Аслида тўғри гапирияпсиз, устоз хоним. Гапингиз тўғрию, келиндан узр сўралмайди-да, шундай әмасми? Ғуруrimизни топтай олмаймиз. Озроқ ақли бор одам ҳам буни билади. Сиз эса ҳаммадан яхшироқ биласиз.

- Менинг билганим шуки, ким бировни хафа қиласа, узрни ҳам ўша одам сўрайди. Лекин сиз саволимга жавоб бермадингиз: ҳам Аллоҳнинг, ҳам ўғлингизнинг омонатига хиёнат қилаётганингизни тушуняпсизми?

- Баъзи юртларнинг қўшинларида шарафсиз қўмондонлар бор. Улар ватанини қўриқлашга келган аскарларни онасию хотини қолмай сўкади. Аскар эса ғиринг демайди, тўғрироғи,

деёлмайди. Сизнингча, қўмондон шундай дейиши мумкинми: аскар менга Аллоҳнинг ва халқнинг омонати, лекин мен аскарнинг онасию хотинидан олиб сўкаман, у эса ҳеч нарса дея олмайди.

Яна бошини қашлади Кул Ҳасан. Атрофга қаради. Шок бўлгани аниқ. Гапларим унга таъсир қилганди.

Менга қарашибга уялпти Гулсаран. Уялади-да. Калтак еган ёш бола ҳам бошқалардан уялади, ахир.

- Болажоним! Қора кўзли қизим менинг! Аллоҳ шу одамнинг жонини олсин, биз ҳам қулиб олайлик шу уч кунлик дунёда...

Шундай меҳрибон аёл шундай золимнинг қўлида. Ҳайронман, Ҳасан бей нега бунчалик турланади? Бошқаларга қулиб туридаю, хотини билан келинига қовоқ уяди. Бунинг сабабини, албатта, аниқлайман. Олдин шу Нафисанинг иши ҳал бўлсин, унинг эри билан ҳам гаплашишни истайман. Кейин Ҳаммона билан ҳам, эри билан ҳам гаплашаман.

- Ўзига учраганлар ўхшасин йўлида. Айтишади-ку, ҳожи ҳожини Маккада, дарвеш дарвешни таккада учратади. Эҳ, эгачи, бу одамнинг зулмлари эсимга тушса, миямдан тутун чиқиб кетади. Ўзимни соҳилга урилаётган тўлқинга ўхшатаман. Бошимни соҳилдан соҳилга ургим келади...

Динга алоқаси йўқ бемаъни урф-одатларнинг манбаси жаҳолат эканини жуда яхши биламан. Айниқса, эшикма-эшик изғийдиган насроний миссионерлар бундай ишларни қилишим учун менга янада кучлироқ туртки беради.

Агар Нафиса яна ўзини ўлдиришга уриниб, бу гал уддасидан чиққудек бўлса, мен бу оилани тинч қўймайман.

Қизларни дарҳол қўшни хонага чиқардим. Рухий тушкунликдаги одамга гавжумлик ёқмайди. Ўзим эшикка қараб юра бошладим. Осуда аллақачон Нафисани кутиб олиб, уни қўлтиқлаганча келаётган эди.

- Устоз, ахир у менинг дугонам. Уни деб қанча сиқилдим, кечаларни уйқусиз ўтказдим. Сиз бу ерга чақирған ҳам менман. Дарди нималигини мен ҳам билмоқчиман. Бунга ҳаққим йўқми?

Қизнинг тихирлиги тутиб қолган эди. “Бу нимаси, ахир? Худди дунёдан хабаримиз йўқ. Жудаям асабим бузилди”, – деди ю йиғлаганча чиқиб кетди.

ЖОҲИЛИСТОН

КЕЛИНИ.

(13-қисм)

13 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz  
- Биласан, Истанбулдан сени деб келдим. Менга ишон ва ҳамма нарсани гапириб бер. Мени шов-шув кетидан югурадиган журналист ёки юқорироқ поғонага чиқиш учун одамлардан фойдаланадиган кимса деб ўйлама асло. Қўлимдан келса, сени ўз жонигга суиқасд қилиш фикридан воз кечирмоқчиман, бор гап шу.

- Сабабини айт, биз ҳам билайлик. Ўзини ўлдиришдан бошқа чора бўлмаганида, Аллоҳ бу ишга рухсат берган бўларди.

- Майли, гапириб бераман, гарчи бунга ҳолим бўлмаса-да. Инсонийликни уятга қўядиган ҳаётим ҳақида сўзлаб бераман. Мен ўғил фарзандни фарзанд, қиз фарзандни эса фарзанд эмас деб ҳисоблайдиган жоҳил отанинг қизиман. Бу оиласдагилар менга совчи бўлиб келди. Отам мендан бир оғиз сўраб ўтирмай, худди сигир сотгандек мени уларга сотиб юборди. Мен уларга келин бўлишни умуман хоҳламадим, лекин гапимга ким ҳам қулоқ соларди. Бу ерларда ёшларнинг, ёш қизларнинг фикри билан ҳеч ким қизиқмайди. Тухмат бўлиб қолмасин, бўлса беш-үн ота бордир қизиқадиган. Оиласдагилар мени қандай ўқитди, ҳайронман. Ишончим комилки, одамлар мени ўқиган деб айтиши учунгина ўрта мактабга боришимга рухсат беришган. Унаштириш маросими, кейин тўй бўлди. Тўй кечаси ҳаётим остин-устун бўлиб кетди. Оҳ, у қандай кеча эди-я, опа! Қандай тушунтириш мумкин, билмайман...

- Майли, йиғлайвер. Истаганча йиғла. Ҳеч қаёққа шошаётганимиз йўқ. Ўзингга келишинг билан яна гаплашамиз.

- Дардингни тушунтиришинг уят эмас. Бемаза хотинларга ўхшаб валақлаш учун маҳрам гапларни айтмаяпсан-ку. Сен шунчаки дардинг ҳақида гапиряпсан.

- Ўша кеча, бошимда тўй рўмоли, хонада ўтирибман. Бир маҳал эрим кириб келди. Келдию юзимга шапалоқ тортиб юборди. Нима бўлаётганини тушунолмай гаранг бўлиб қолдим. Йиғлашга тушдим. “Ўчир овозингни. Кўз ёшидан қурол ўрнида фойдаланишга уринма. Менинг қандай эркаклигимни биласанми, одамни оёғидан осиб қўяман! Ғик этган овозинг чиқмасин”, - деди. Кейин... минг бор узр, минг марта уялиб айтяпман: мени ётоқقا ирғитди. Худди ҳайвонга ўхшарди. Унинг тўнғизсифат ҳаракатларидан ўзимни олиб қочишга уринар эдим. Ўша пайтда кимдир эшикни тақиллатаётганди. Эркак кишиларнинг: “Тезроқ бўлинглар, бизни куттирманглар, совқотдик”, - деган овози эшитилди. Нималар бўлаётганини сўрадим. “Улар тўйбошилар, тентак қиз, тўйбоши кимлигини билмайсанми? Қонли белгини кутишяпти. Эркак эмас экан деган номим чиққудек бўлса, сени ўлдираман”, - деди эрим. Ўзимдан                           кетиб                           қолибман.

Ҳушимга келганимда, эрим мени калтаклаётган эди. “Бокира эмас экансан, нега менга тегдинг?” - деб бақирав, бошимни деворларга уради. Нималар деяпсан, менга эркак зотининг қўли тегмаган, дея олдим аранг. Яна ҳушимдан кетиб қолибман. Бу сафар ўзимга келганимда, эрим йиғлаб ўтирганди. “Сенга неча йиллардан бери ошиқ эдим. Лекин сендан бокиравлик белгиси чиқмади. Мен энди қандай яшайман?” - деди. Яна эшик тақиллади. Шарманда бўлдим, шарманда бўлдим, деганча эшикни очди ва яrim соат кутиб туришларини айтди. Учинчи марта ҳушимдан кетибман. Кўзимни очганимда, эрим бир бурчакда йиғлаб ўтирган эди. Бармоғини кесиб, қонини латтага томизиби ва эшикда кутиб турганларга берибди. Шуларни менга гапириб берди. “Энди сени ўлдиришим керак”, - деди. Ялиниб-ёлвордим. Ўлдирма, беш-олти ойдан кейин қўйиб юборасан, ҳеч ким билмайди, дедим. Ўша пайт уни қувватсиз деб ўйлаганим учун гапиргандим, у эса сўзларимни тан олиш деб тушунди. Кўзида ёш билан яна бир марта калтаклади. “Вой фоҳиша-ей! Ота уйингда ифлосгарчиликни бошлаган экансан, нега менга тегдинг?” - деб сўради. Бир неча соат йиғлади, бошини деворларга урди. Ҳар сафар менга эркак зотининг қўли тегмаган дейишим билан калтаклашга тушарди. Қочиш тугул ўрнимдан туришга ҳам мажолим қолмади. Тонг отганда қочаман, деб ўйладим. Лекин сахармардонлаб қайнанам қизи

билан хонамизга кириб келди. Кечаси билан бақир-чақирни эшитишгани учун нима бўлганини билмоқчи бўлишибди. “Қиз чиқмади бу, она. Бармоғимни кесиб, қонимни томиздим. Ҳеч ким эшитмасин. Мен уни ўлдираман”, - деди эрим.

- Кетолмайсан. Дарров отангникига кетсанг, одамлар ўғлимдан шубҳаланиши мумкин. Ўғлимни айблашмаса ҳам, олган келинлари чириган экан дейишларига йўл қўймайман, - дея эътиroz билдириди қайнанам. Кейин ўғлига тайинлади: - Дарров бориб, отасига ҳамма гап-сўзларни етказ, токи ота уйига боролмасин. Беш-олти ой уйимизда яшаб турсин, кейин ажрашасан. Дараҳтни қоқсанг, қиз ёғилади, онаси ўпмаганидан олиб бераман сенга. Кейин буни отаси нима қилса қилаверсин. Эрим отамнинг олдига кетди. Йиғладим. Оёқларини қучоқлаб ўтиндим. Ҳатто қайнэгачимнинг оёғини ўпдим. Лекин тепки едим. Қайнанам ўша заҳотиёқ тўйда ўзи таққан олтин тақинчоқларни қайтариб олди. Юзимга тупурди. Ҳеч қаёққа қоча олмаслигимни, кўзларини мендан узмасликларини айтишди. Эрим отамга бориб, оғзига келганини гапирибди. Отам мени ўлдиришга келган эди, аранг тўхтатиб қолиши. “Ҳеч кимга оғиз очманг, Салмон бей. Бўлиб туради бунақа нарсалар, ёпиқ қозон ёпиқлигича қолсин. Беш-олти ойдан кейин ажрашишади, ҳеч ким шубаҳаланмайди ўшандা. Сизнинг ҳам, бизнинг ҳам юзимиз ерга қарамасин”, - дейишди. Отам кўнди, йиғлаганча қайтиб кетди.

Нафисанинг бошига тушган ишлардан караҳт бўлиб қолдим. Аслида бу нарсани тахмин қилгандим, аммо бунчалик шафқатсизликни кутмагандим. “Яқинда судга ариза беришмоқчи эди ажрашишимиз учун, яна бир йил кутиб турадиган бўлишди”, - деди у.

- Борайлик деяпман, опа. Лекин эрим сира унамаяпти. На боришимга рухсат беришади, на ўзлари олиб боришади. Даҳшатли турманинг ичидаман. Баъзан ўзимни оғилхонага боғлаб қўйилган сигирга ўхшатаман. Арқонимни ҳожатхонага етадиган даражада узун қилиб қўйишган, холос.

- Дилем вайрон бўлди, Нафиса. Аллоҳнинг изни билан сени қутқараман. Ўзингни ўлдирма, илтимос. Ўзингни ўлдирсанг, гуноҳи жуда катта бўлади. Биринчи навбатда эрингдан ажраш, кейин бирорта чора топамиз. Асло умидсизликка берилма. Ишон менга, Аллоҳнинг изни билан, албатта, чора топамиз.

- Майлику-я, ўзимни ўлдиришга уринаётганимда ҳушим ўзимда бўлмайди-да. Бир қарасам, касалхонада ётган бўламан. Баъзан каламуш дори ичаман, гоҳида томиримни кесаман. Бир марта қайнатамнинг тўппончаси билан бошимга ўқ узмоқчи бўлибман, лекин тепки босилмабди. Ҳеч бирини эслолмайман. Фақтагина ўзимни ўлдиришни ўйлаганимни эслайман, холос. Шу ишни яна қайтарсам керак. Илтимос, мендан хафа бўлманг. Сизни яхши кўраман, китобларингизни ҳам ўқиганман, сиз менга оиласдан ҳам яқинроқсиз. Аллоҳ мени кечирсин, лекин яаш дегани ҳар куни ўлиш бўлиб қолди мен учун.

- Жуда кўп азоб чекибсан. Тўғри, азоб чекиш ёмон нарса, бироқ азоблар инсонни чиниқтиради. Ўзингга келиб ол, ҳаётинг сени қанчалик ўзгартирганини, дунёқарашингини кенгайтирганини кўрасан. Биласанми, ҳеч азоб кўрмаган, ғам нималигини билмаган одам инсонийликни унутиб қўяди. Сенга ўхшаб қаттиқ азоб тортганлар ҳам ўзларини эсдан чиқаришади. Аммо сен унутмаслигинг керак... Кучли бўлишинг зарур. Оёқقا туришинг, ажрашишинг, золимларга енгилмаслигинг даркор. Сенга бошимдан ўтган бир воқеани айтиб бераман...

ЖОҲИЛИСТОН

КЕЛИНИ.

(14-қисм)

15 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

Бир куни бомдод намозига турганимда қор ёққанини ҳис қилиб, деразадан ташқарига қарадим. Ер оппоқ, аллақачон қорбобо ясаб, деворга суюб ҳам қўйишибди. Аллоҳ, Аллоҳ! Саҳарлаб ким қорбобо ясабди, деб ўйладим. Худди тирик одамга ўхшатиб деворга суюб ҳам қўйибди. Қор ҳали ҳам ёғаётган эди. Қор учқунларининг оҳиста-оҳиста ерга тушишини болалагимдан жуда яхши кўраман. Аллоҳ яратган манзара ўлароқ томоша қиляпман оламни.

Лекин олам мени қандай томоша қилаётганини билмайман. Нигоҳим яна қорбобога тушди. Кўнгим кўтарилди. Ичимда алланечук бир ҳис менга шивирлаётгандек эди. Қорбобога яхшилаб қарадим.

Ўша заҳоти ташқарига отилдим. Қай кўз билан қарайки, ўн уч-ӯн тўрт ёшлардаги дарозгина бола экан. Уни зудлик билан касалхонага олиб бордим. Анчагача ухлагандан кейин кўзларини очди. Ота-онаси ажрашиб, ҳар иккиси ҳам янги турмуш қурган экан. Бола ўқийдиган интернетда қор туфайли

таътил эълон қилинибди. Бола аввал отасининг уйига борибди, лекин бувиси уйга қўймабди, ўгай она болани хоҳламас экан. Шўрлик бола кир-чирлари солинган сумкасини ортмоқлаганча онасининг уйига борибди. Аллақанча йўлни пиёда босиб ўтгунча тун ярмидан ўтиб, соат иккига яқинлашибди. Қўнғироқни чалса, ўгай отаси очибди эшикни. “Сенинг жойинг отангнинг ёнида. Бемаҳалда бизни бозвота қилгани уялмайсанми?” - дебди.

Бечора бола ортига қайтиб, ҳориб-чарчаб, мен кўрган томнинг тагида туриб қолибди. Чўнтағида сарик чақаси йўқ, қаерга боришни билмайди. Бу орада қор ёғиб, бола қорбобога айланиб қолибди.

Бу болага кейин нима бўлди деб ўйлаяпсанми? “Мен золимларга енгилмайман, кўп ўқийман, қайтиб ўша икки уйга ҳам бормайман”, - деди ва диндор, устига-устак, онгли диндор ва доктор бўлиб етишди.

Дарров ишга тушайлик, аҳволни прокуратурага билдирайлик. Сени шифокорга кўрсатиб, тиббий хулоса олиб, уларга кўрсатамиз. Нима дейсан?

Эътиroz билдиридим. Нотўғри ўйлаётганини тушунтиридим. Рухияти буткул алғов-далғов бўлиб кетибди. Ялиниб-ёлвордим, ундан фақат ўзини ўлдирмаслиги ҳақида ваъда олдим, холос. Хурсанд бўлиб ташқарига чиққанимни биламан, қизларга дуч келдим. Бешови ҳам эшикка қулоқ тутиб туришган экан. Ҳам ҳайрон бўлдим, ҳам хафа. Мусулмонга ярашмайдиган иш ахир бу. Уларга Осуда тайинлабди. “Эрта-бир кун суд бўладиган бўлса, гувоҳлик берасизлар”, - дебди.

“Тезроқ борай, кеч борсам, менга жаҳл қилишади, - деди. - Эrim менга ҳар куни гулдондаги гулга тикилгандай тикилади. Ҳозир уйга келган бўлса, қиёматни кўтарган бўлса керак. Ҳам “хотиним эмассан”, дейди, ҳам рўпарамга ўтирволиб менга тикилади. Кўпинча йиғлайди ҳам”.

Бечора Нафиса! Бемаъни урф-одатларнинг, жаҳолатнинг қурбони у. Жоҳиллик дунёning ҳамма жойида бор, мусулмонларнинг орасида ҳам, насронийларнинг орасида ҳам. Бу ердаги жаҳолатни ислом билан боғлиқдек қилиб кўрсатишяпти. Нафисагами куяй, жоҳилликнинг исломга тўнкалишига?.. Ўйлайвериб миям қизиб кетди. Осуда ҳам хафа, юқорига чиқмади. Тезроқ ётиб ухлашни, миямга озроқ ором

беришни истадим.  
Үрнимдан туриб, хонадан чиқдим. Қарасам, қизлар ҳали ҳам ухлашмабди, бир хонага йиғилволиб сұхбатлашишыпти. Қуръон курсида кечаси билан давом этадиган сұхбатлар әсимга тушиб кетди. Лекин бундай муҳитда сұхбат татирмиди. Қизиқ, қизлар нега ухлашмади экан?

Қизларнинг хонасига кирдим. Осуда ҳам уларнинг орасида экан. Қарасам, арази ҳали ҳам тарқалмаган. Қовоқларини осиб олган. Дархол қизларга қарадим.

Үзи кайфиятимни күтариш учун баҳона қидираётган әдим, кулиб юбордим.

Қизлар ҳамма нарсаны гапириб беришибди унга. Осуда ҳам, қизлар ҳам, мен ҳам, хуллас, ҳаммамиз қаттиқ ҳайратда әдик... Балконга чиқдим. Яна қор ёға бошлабди. Нафисанинг уйи томонга қарадим. Худди у уйда бир үлік бордай, ўша уй мозордай түйилди. Бироз үзимга келиш учун әртага қиласынан биринчи ишим Ҳаммона билан күришиш бўлади. Амина хола билан Ҳаммонанинг олдида ҳамма дардларни унутиб юбораман. Тушундингиз-а, Амина хола Ҳаммонанинг онаси...  
- Қалайсиз, Амина опа? - дея ҳол-аҳвол сўрадим. Қизиқ, мени эшилди. Ҳамма уни “хола” деб чақиргани учун “опа” деганим унга ёқиб тушди.

Қаттиқроқ гапирдим:  
- Ҳа, опа дедим. Онамнинг синглисидан бошқаларга хола дейишни ёқтирумайман.

- Нима қилай, синглим. Ёшлигим ўтди-кетди, қулоғим оғирлашиб қолди. Дараҳтнинг шохларига осилиб ўйнаб юрганимда кун келиб қаришимни ўйламаган әдим, умуман хаёлимга келмаганди. Умр деганлари ғириллаб ўтдию кетди, увол бўлди ёшлигим. Урушни ҳам кўрдим, шу тоғнинг чўққисига душман аскарлари келганини ҳам кўрдим.

- Душманлар келганида бир юз саккизта қўй-эчкимиз бор әди, ҳаммасини олиб қўйиши. Ҳаётимиз остун-устун бўлиб кетди бирданига. Раҳматли отам бақувватгина одам әди. Боламан-да, отам уларни калтаклайди деб ўйлабман. Отам ғазаблангача кетди. Кетдию қайтиб келмади. Амакимларимни кида ўлдирилибди. Бурнини кесиб ташлашибди. Оҳ, мазлум отажоним! Роса йиғладик. Кейин қуш учмайдиган, карвон ўтмайдиган жойларга қочиб, жонимизни қутқардик.

Амина хола йиғлаётган эди.

- Нега ярамни тирнайсиз, синглим? Отамнинг ўлгани кўз олдимдан ҳеч кетмайди. Ҳозир душманлар ўзгариб кетган дейишади. Шу гап ростми? Менинг хабарим йўқ, лекин сиз билсангиз керак. Озроқ гапириб беринг. Инглизлар, французлар нега бизни ўлдирмоқчи бўлди? Биздан нима хоҳлашди? Ҳозир нега фикрларидан қайтиб қолишиди?

- Она! Нега инглизлару французларни эслаб қолдингиз?

- Онамнинг қулоғи оғирлашиб қолганидан бирор ножӯя гап гапириб қўймасин деб жоним ҳалак. Сиз онамга эътибор берманг, эгачи. Нима ҳам қиласдик, қаричилик-да.

- Сен қандай қизсан ўзи, Ҳаммона? Нега туҳмат қиламан? Сени кимнинг эшигига ташлаб кетибман? Худодан қўрқкин, болам. Бир марта апрел ойида тоғамларда қолдирганман сени. Ўшанда қаттиқ оғриб қолган эдим.

- Гулсарап йиғлаётгандек куляпти. Нима бўлди? - деб сўрадим. Ўчоқ бошидан ғазаб билан қўзғалган Ҳаммона токчада ниманидир қидирар экан, аччиқланиб жавоб қайтарди:

- Лаганбардорликни яхши кўради у. Бегоналарнинг олдида оғзидан бол томиб гапиради. Айтишади-ку, оға деяйин сенга, мойинг ёпишсин менга. Шунақа хилидан-да. Аллоҳ мени ундан халос қилсину бир-икки кун одамга ўхшаб яшай мен ҳам. Бу одамга ўлимдан бошқа нарса кор қилмайди. Ҳасан бейдан қаттиқ шубҳалана бошладим. У ё жудаям ёмон одам, ёки эр-хотин бир-бирини мутлақо танимайди.

- Ҳаммона куёвимга туҳмат қиляпти. Куёвим ўз ўғлимдан ҳам яқинроқ менга. Номусли одам. Бирор ёмонлигини кўрмаганман. Аслида қишлоқдагилар ҳам Ҳасан бей ҳақида яхши гапларни гапирди. Қишлоқнинг имоми ҳам, раиси ҳам унинг ишончли одам эканини айтишди.

- Отам билади отасини, мен биламан ундан ҳам нарисини. Онам қаердан билсин менинг чолимин? - деди менга қараб. - Авваллари бошимга не кунларни солганди, ҳозир сал босилиб қолган аҳволи бу. Ҳажга бормоқчи. Сен ким бўлибсан ҳожи бўлгани? Аллоҳнинг Каъбаси қолиб, шайтон кўрсатган томонга кетиб қолиши аниқ. Келинимни хафа қилади нуқул, ўғлимни ҳам ўзига ўхшаган золимга айлантирди. Ўғлим ҳам зулм қиладиган бўлди шўрлик келинимга. Ҳаммона бугун баҳри дилимни очмади. Бир ўзим қишлоқни

айланишни истадим. Мени кўрган ҳар аёл бир хил саволни берарди:

Бу қишлоқда бир нарса эътиборимни тортди: кексалардан кўра ўрта ёшдагилар, ўрта ёшдагилардан кўра ёшлар равонроқ сўзлар экан. Аммо кексалардан антиқа гапларни ҳам эшишиб қоляпман. Қишлоқ раиси жуда кўп иш қилибди. Бошланғич ва ўрта мактаб қурилишига эришибди. Йўл қурилибди, сув олиб келинибди. Ёз ойларида бичиш-тикиш курслари очилар экан. Лекин бемаъни урф-одатларни тақиқлай олмабди. Менимча, аёлларга зулм қилинаётганини у сезмаса ҳам керак. Қонга ўрганган кўзлар азоб чекаётган жонга ҳам ўрганиб қолмайдими?...

ЖОҲИЛИСТОН

18 iyun

КЕЛИНИ.

2020.

(16-қисм)

Muallif:

Bayyina.uz

- Сиз аслида фариштадан-да устунроқ бўла оладиган инсонга ўхшаяпсиз. Нима бўлдики, раҳм-шафқат, марҳамат туйғуларини йўқотиб қўйдингиз? Менимча, ўзингизни кўздан кечирсангиз, яхши бўларди. Намоз ўқир экансиз, қабул бўладиган намознинг эгаси хато қилиши мумкинdir, лекин золим бўлмайди. Қолаверса, закий аёлсиз. Шу ишлар инсонийликка тўғри келадими? Буни ўйлаб кўринг.

- Керак эмас. Мени чақалоқлик пайтимда сотиб юборган отонани асло истамайман.

Зайнаб жавоб қайтармади.

Қайнана бироз юмшаган шекилли, деразадан овози эштилди:

- Раиснинг олдига борманг, эгачи. Келинни яна бир марта урадиган бўлсак, ана ўшанда борарсиз. Бизни шарманда қилманг.

Модимики, қайнана сал инсофга келди, унга имкон бериш даркор. Ёмонлар ҳам фикр юритади... Ёмонлар ҳам яхши инсонга айланиши мумкин... Ёмонлар ҳам кун келиб хатоларидан фориғ бўлиши мумкин...

Уйга етиб келганимизда ҳам Осуданинг ҳайрати тарқамаган эди.

- Бундай қилиши учун унда отнинг калласидай юрак керак. У ўта қув аёл. Менинг олдимда бундай ишларни қилолмаслигини аллақачон тушунган. Қатъиятимни билиб турибди.

Кошки келинлар ҳам, қайнаналар ҳам инсонга ўхшаб яшашни

билишса...

- Тўғри, шундай деб сўраганим эсимда. Қани, ўтиринглар. Салом-аликдан сўнг меҳмон келиндан сўрадим:
  - Албатта, жуда баҳтлиман, - дея жавоб қайтарди у хурсанд бўлганча.
  - Хато қилсам, айни хатони такрорласам, жаҳли чиқиб бақириши мумкин. Ахир, инсон ўз қизига ҳам бақиради-ку.
  - Асло. Ўн уч йиллик келинман. У хонадонга келганимда ўн тўрт ёшларда эдим, шу пайтгача бирор марта ҳақорат эшитмадим. Сочим учун бўлгани учун ҳатто тараб, ўриб қўяди қайнанам. Унга ўхшаган яхши инсонлар дунёда борлигини биламан, лекин жуда камлигига ишончим комил. Афсуски, қайнанам касалланиб қолди. Ётган жойида ҳам кўнглимни кўтаришга уринади. Овқат олиб борсам, ўн марта дуо қилади. Гоҳида тўшагини ҳўллаб қўяди, шунаقا пайтда йиғлайди. Мен эса ҳеч ижирғанмасдан тозалайман. Шукр, кун сайин аҳволи яхшиланяпти.
  - Биласизми, жуда кўп яхши қайнаналар, қайнаталар кўрганман. Лекин бу қишлоқдаги аҳволдан асабим бузилиб кетди. Ҳар оиласда кимдир ёмон: ё қайнана, ёки қайната.
  - У ҳам яхши. Уйлари бизнинг уйдан узоқда. Ажабо, чиндан ҳам дарди йўқ экан бу келиннинг. Дардсиз қул бўлмас, дейишади, лекин бу келиндан дард йироқ кўринади. Кўзлари қоп-қораю, эри унга “мойчечак кўзлигим” дер экан. Агар одам истаса, кўнгилга ёқадиган сўзларни тоғларнинг орасидан ҳам топиб айтади.
  - Боламиз бўлмаяпти. Бу дард бандалардан эмас, Аллоҳдан, шунинг учун ҳам қийнамайди. Бу ҳолатдан уялмайман ҳам. Кимдир мени айбласа, жавобини Аллоҳга беради. Ким нима деса, деяверсин, парво қилмайман. Мен учун эримнинг оиласи муҳим.
- Қизлардан ёдлаш учун берилган оятларни сўрадим. Ёдлашибди. Китоблар бўйича саволлар бердим. Яна озроқ сухбатлашиб, ухлагани ётдик.
- Яrim кечаси машиналарнинг овозидан уйғониб кетдим. Залга ўтиб, уйнинг олдига қарадим. Бу нимаси?! Уйнинг олдида жандармлар, полициячилар турар эди. Қизлар ҳам уйғонишибди.
- Деразадан “Ким у?” деб овоз бердим.

Яна бири:  
Кийиниб, эшикни очдим. Қарасам, бир қўмондон билан бир комиссар, орқаларида аллақанча жандармлар келишяпти. Ҳасан бей бидир-бидир қилиб гапирав эди: Ичкарига пойабзаллари билан киришмоқчи эди, уларни тўхтатдим:

- Қуръон курси дейиш мумкин. Динимизни ўрганяпмиз.
- Рухсат олишимизга ҳожат йўқ. Фақатгина Қуръон ўрганяпмиз. Қишлоқ раисига исмларимизни, шахсий маълумотларимизни берганмиз. Ҳеч кимдан пул олмаймиз. Қолаверса, дам олиш ва баъзи масалаларда инсонларга ёрдам бериш учун келганмиз.
- Бу нима деганингиз? Махфий ташкилотнинг аъзолари ўз маълумотларини қишлоқ раисига қолдирадими? Юртимизда миссионерлар ўз динларини эмин-эркин ўргатиб юрибди, биз эса махфий ташкилот бўламизми? Мана, китобларимизни кўришингиз мумкин.

ЖОҲИЛИСТОН КЕЛИНИ. (17-қисм)  
19 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

- Булар дарсда ишлатиладиган китобларми? - дея сўради қўмондон.

Абдуллоҳ Буюк, “Ўшал диёрнинг аҳли”.  
Жамил, Тўқпинар, “Бомдод намозига қандай уйғонилади?”  
- Ҳозирча шулар.

- Қуръон курси тақиқланган эмасми? Қаранг, қишлоқдагилар безовта бўлишибди.

- Йўқ! Бу қишлоқ мусулмонларнинг қишлоғи, унинг аҳолиси безовта бўлиши мумкин эмас. Балки ичларидан бирорта лаганбардор шайтон безовта бўлган, чақув қилган бўлиши мумкин. Тақиқланган эмасми, деган саволингизга келсак, мусулмонлар ютида Қуръонни ўрганиш тақиқланиши мумкинми? Агар тақиқланган бўлса, демак, қонунларда хатолик бор.

Гапларимни жимгина эшитишди. Хоналарда тинтуб ўтказиши. Ҳасан бей нуқул бир хил гапни такрорлар эди:

- Қўмондоним, комиссарим! Меҳмонларим хафа бўлишини истамайман, саволларингизни менга берсангиз.
- Сиз ҳам имзолайсиз. Устингиздан иш қўзғатиладиган бўлса,

сизга                    хабар                    берилади.  
- Қанчалик оғир ҳолат, шундай эмасми, иниларим? Сизнинг ҳам китобингиз ҳисобланувчи Қуръонга душмалик қилиш учун сизларга                    азият                    беришди.

Пастга тушганимда қўшнилар келганини кўрдим. “Нима бўляпти, қўмондоним?”, “Нима гап ўзи, комиссарим?” деб сўрашар эди. Нафисанинг оиласи ҳам келибди. Осуда эндиGINA уйғонган,                    болаларча                    сўзлар                    эди:

- Қўйсангиз-чи, қўмондоним. Устозни мен мажбурлаб чақирдим. Алламаҳалда уни нега безовта қилдингиз?

- Нима қилайлик, биз буйруқقا бўйсунамиз.

Осуда аччиқ-тирсиқ билан гапираётган бўлса-да, келганларнинг бари ҳурмат билан муомала қилишга уринаётган эди. Осудани ортиқча эшитмай, машиналарига ўтириб, кўздан узоқлашишди. Уларнинг ортидан қарар эканман, айни пайтда юзлаб навниҳол қизлар ёмон хонадонларга сотилганини, майхоналарга ем бўлган аёлларни, қиморнинг дастидан бузилиб кетган оилаларни, юзлаб бадниятли миссионерлар ёшларнинг уйларига кириб олганини, бироқ уларга ҳеч қандай босим ўтказилмаётганини ўйлаб, юрагим эзилди.

- Бу нимаси? Қуръон курси устидан ким шикоят қилди? Қайси имонсиз?

Кўзларим билан буни ким гапирганини қидирдим. Ўрта ёшли эркак экан. Шу тобда Нафисанинг қайнанасига кўзим тушди. Хижолатомуз                    сўз                    қотди:

- Биламан, чунки мусулмон бўла туриб, бундай ишга қўл урмайсиз. Қўл урсангиз ҳам, тортишган кунимиз бундай қилмайсиз.

Ҳали ҳам жаҳлдан тушолмаган Ҳасан бей қизариб-бўзариб сўради:

- Аллоҳнинг изни билан топаман. Бунақа иш аввал ҳам бошимга тушган. Аризани қўлга киритдим. Эринмай ўзим гумон қилган одамларнинг имзоларини топдим. Баъзиларини қаймақомлиқдан[1], баъзиларини овоз бериш дафтарларидан. Жуда қийин бўлди лекин. Аризани ва имзоларни таҳлил қилдирдим,                    шу                    тариқа                    топдим.

Қўшнилар жуда хафа бўлишган эди. Ҳар бири алоҳида-алоҳида узр сўради. Осуда уялганидан юзимга қарай олмаётганди. Бунақа ишларга кўникиб бўлганимни қаердан билсин.

Қолаверса, агар инсонийлик бурчимни адо этаётган бўлсам, бошимга тушганлар учун ҳеч кимни айбламайман. Бироқ хижолат чекаётганлар буни билишмайди-да.

Қишлоқдагиларнинг эътиборидан жуда мамнун бўлдим. Айниқса, қоронғида юзи кўринмаган бир одамнинг сўзлари ҳаммасидан ёқимли эди:

- Бир ҳовуч имонсизнинг биз Қуръонга эргашадиганларни тескаричи деб аташидан жуда асабийлашаман. Қуръонга ва мусулмонларга душманлик қилишдан бошқа ишлари йўқ. Сиз қўрқманг, синглим. Биз бормиз, сизларга ҳеч нарса бўлмайди. Юракларига қулф солишга уринилган ҳамюртларимдан бундай сўзларни эшитишдан кўнглим тоғдай кўтарилди. Инсон ажойибда, қайси динда бўлмасин, ўз диндошларини яхши кўради.

Қариялардан бири сўради:

- Йўқ! Биз олға кетаётганимиз учун Инўни даврига қайтмаймиз. Қайтадиганлар Инўни замонидан чиқа олмаган кимсалардир, чиқишиларига эса зеҳниятлари йўл қўймайди. Раҳмат, қўшнилар. Бир воқеа сабабли бу қишлоқда инсофли кишилар йўқ экан дегандим, мени кечиринглар.

\* \* \*

- Нима бўляпти, қизлар? Нега олдимга келмаяпсизлар?  
- Калтак емадик, лекин кунимизни кўрсатишини айтди қайнанам. Сиз кетганингиздан кейин эримга хат ёзди. Худо билади нималар ёзганини. Бўш келмай, мен ҳам бўлган воқеалар ҳақида эримга хат ёздим. Валлоҳ, жонимдан тўйиб кетдим. Болалик пайтимдан бери мени эзишади, чарчаб кетдим. Бунақа қилаверишса, қочиб кетаман.

- Қаерга қочасан?

- Қаерга бўлса ҳам деб, номуссизларнинг қўлига тушиб қолган қизларни, аёлларни телевизорда кўрмаяпсанми? Қочиш ечим эмас. Шошма, ечим топасиз. Ҳозирча навбатингни кутиб тур.

- Мендан умидни узинг, устоз. Мен навбатимни Зайнабга бераман. Айтдим-ку сизга, яшаш учун ҳеч бир сабабим йўқ. Яна бошидан тушунтиридим. Ўзини ўлдириш мумкин эмаслигини, катта гуноҳ эканилиги айтдим.

Биргина чорам қолди - ҳолатни Нафисанинг отасига гапириб бериш.

- Бола-а-м! Жоним болам! Келин бўлиб, бахтиқаро бўлдинг-а!  
Неча ойлардан бери юзингни кўролмайман-а!..

Ишонимчим комилки, оналарнинг кўз ёшлари бошқаларнинг кўз ёшларидан ўзгача. Нафисанинг онасига қўшилиб мен ҳам йиғладим. Унинг кўзларидан оқаётган ёшларда жигари тилка-пора бўлаётганини кўргандек бўлдим.  
Эҳ, жаҳолат! Сени бошимизга солганларни Аллоҳга ҳавола қилдим...

## ЖОҲИЛИСТОН КЕЛИНИ. (18-қисм)

20 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

- Қизингиз ҳақида гаплашгани келдим. Унинг айби йўқ. Раҳмингиз келсин унга. Бориб тиббий маълумотнома олайлик...

Ўрнимдан турдим. Йигитлик ўнта бўлади, тўққизтаси таёқдан қочиш бўлади, деган эди Маҳмуд Афанди. Мен ҳам бир йигитлик қиласай, шу ердан таёқ емасдан қочай, дедим ўзим-ўзим. Эшик томонга юраётиб охирги сўзларим айтдим:

Ўша заҳоти бошимга таёқ билан солди. Қарасам, мени аямасдан калтакляяпти.

Қарасам, яна менга ташланмоқчи. Огоҳлантиридим:

- Тўхта! Асабимни буткул бузма. Қуролим бор, оёғингга қараб ўқ узаман, кейин бир умр чўлоқланиб юрасан.

Тўхтади. Ҳайрон бўлганча тикилиб қолди. Хотини бир бурчакда овоз чиқармай йиғлаб ўтирган эди, ҳатто овоз чиқариб йиғлашга ҳам журъати йўқ.

- Аллоҳ сендеқ отага қаҳр этсин!

Эшикни тарақлатиб ёпганча чиқиб кетдим. Қўлимдаги таёқни жаҳл билан эшик томонга улоқтиридим. У бунчалик жаҳлим чиқишини кутмаганди. Орқамдан сўқиндими-йўқми, билмайман, лекин шокка тушиб қолгани аниқ.

Уйга қайтдим.

Қатъий қарор қилдим. Эртага шанба, ундан кейин якшанба бор. Душанба куни прокурор билан шахсан учрашиб, бўлган воқеаларни етказаман. Истанбулга қайтганим заҳоти Нафиса учун ҳам ишлаб, ҳам яшайдиган ишончли жой қидиришга тушаман. Нафисани Истанбулга чақириб оламан.

Қароримни қизларга ҳам айтдим. Жуда хурсанд бўлишди.

Бир маҳал пешанамдан илиққина нимадир оқаётганини сездим. Қизлар бирданига “вой!” деб бақириб юборишиди. Бошим ёрилган, қон оқиб тушаётган экан.

Хавотирланиб нима бўлганини сўрашди.

- Аллоҳ учун шу дунёда бир томчи қоним оқса оқибди-да, - дедим.

Эртага прокурор билан учрашаман, иншааллоҳ. Истанбулга қайтганимда биринчи қиласидиган ишим қўшниларимни саволга тутиш бўлади. Қизик, ҳамма ёшлар дардмандми ёки бу қишлоқда дард қонунга айланганми?..

Қизлар китоб ўқиб ўтиришибди. Баракалла. Қизлар ҳам, йигитлар ҳам ўқиши керак. Ўқимаганларнинг ҳатто овози ҳам жоҳиллигига ҳужжат бўлишини жуда яхши билишади.

Осуда билан ҳам бироз айланиб, ҳам суҳбатлашишни истадим.

- Йўқ, ташқарида чалғиб кетаман. Хонага ўтайлик, сизга хушхабар айтаман.

- Унда айтақолай, устоз. Фарҳоднинг отаси отамга сесланба куни сизларникига бир хайрли иш учун борамиз, дебди. Ниҳоят совчиликка келишяпти! Нега шу пайтгача келишмаяпти деб жаҳлим чиқиб турганди. Қадамингиз қутлуғ келди, устоз. Бу хурсандчиликни сиз билан бўлишишни истадим. Ниҳоят Фарҳодимга етаман, қўшниларнинг қари қиз деган таънасидан ҳам қутуламан.

- Осуда, қадами қутлуғ деган гап тўғри эмас. Агар инсонда илм ва ирфон бўлса, ичида севги бўлса, ўша севги нурга

айланади, бундай инсонлар борган жойларига хузур олиб боришади. Аммо шу кунларда мен бундай ҳолатда эмасман. Қолаверса, одамларнинг гап-сўзидан қочиш учун турмушга чиқилмайди. Ўзингга ёқмаган одам билан турмуш қурмайсан-ку. Юрагинг одамларнинг гапларига парво қилмайдиган даражада кенг бўлсин. Ҳа, майли. Отанг бермаса-чи?

- Нима қилай, жуда хурсандман. Қаранг, бугун Фарҳод менга хат ёзибди. “Нима бўлди, билмайман. Отам ўтган куни сени кўрибди. Амакимга сенга совчи бўлиб боршини айтибди. Хурсандлигимдан кечаси билан ухломадим”, дебди. Неча йилдан бери кутаман. Хурсанд бўлишга ҳаққим бордир?

Руҳларга жимгина хабар йўллаган киши..

Шуларни ўйлаб ётиб кўзим илинибди.

Бир маҳал ташқаридағи шовқин-сурондан уйғониб кетдим. Нима гап экан деб, деразадан қарадим. Ҳамма ташқарида. Осуда мени кўриб қолди. Йиғидан кўзлари шишиб кетибди. “Тезроқ келинг!” - деди.

Аллоҳ, Аллоҳ! Нима бўлдийкин? Шошилганча пастга тушдим. Нима бўлганини тушуниб улгурмасимдан йиғи-сиғилар ҳамроҳлигида Нафисаларнинг уйига бордик. Қаттиқ касал бўлиб қолгандир-да.

Ичкарига кирганимизда мутлақо кутилмаган манзарага дуч келдим. Бир неча сонияга караҳт бўлиб қолдим.

Ё, Аллоҳ! Кўзларим ёлғон нарсаларни кўряптими? Йўқ, йўқ, ҳаммаси чин.

Нафиса ерда чўзилиб ётар, устига оқ мато ташлаб қўйилган эди.

- Нафиса! Қанча ҳаракат қилдим, лекин сени асраб қололмадим, мени кечир!

Уй бирпасда одамга тўлиб кетди.

- Валлоҳ, бизнинг умуман айбимиз йўқ. Телевизорга чиқариб, бизни шарманда қилиб юрманг...

Нафисанинг эри кўринмаяпти. Қаттиқ алам ичида инсон эс-хушидан ажралиб қолади. Демак, эс-ҳушимнинг ҳаммасидан ҳам ажралмабман. Нафисанинг ёнида ўтирганча эртага қиласидиган ишларимни ўйлаётган эдим...

### ЖОҲИЛИСТОН КЕЛИНИ. (19-қисм)

22 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

Бомдод намозидан кейин муаззин саловат ўқиди. Қишлоқда одат шундай экан. Бир пайт қарасам, овози оламни бузгудек бўлиб бир аёл фарёд қилиб келяпти.

- Болам!.. Нафисам!.. Жонингнинг баҳридан ўтдингми-я, болам!.. Гулғунчам менинг!.. Бу аламларга қандай чидайман энди, болам?! Кўзимнинг нури болам!.. Отангдан қўрққанимдан сенга ёрдам беролмадим-ку! Биламан, охиратда юзимга қарамайсан! Оҳ, Нафисам! Баҳти қаро қизим менинг!..

Бирдан жимиб қолди. Эшикнинг олдида йиқилиб тушган, ўрнидан туролмаётган эди. Мен эса ўрнимдан туриб, унга ёрдам берадиган аҳволда эмасман. Она дегани эри рухсат бермагани учун ўз қизидан ойлаб хабар олмайдими? Жоҳилмисан, жоҳил. Ҳаммани ҳам кечириш учун қандайдир баҳона қидириш шарт эмас. Азобини ўзи тортсин энди.

Бомдодни ўқиб, яна Нафисанинг ёнига келдим. Онаси ўзини унинг устига ташлаб шундай алам билан йиғлаляптики, ўзимни тутолмадим, унга қўшилиб мен ҳам йиғлашга тушдим. Демак, ўзимга кела бошлаяпман...

Аёл фарёд қилар эди:

- Мени кечир, болам! Отангнинг дастидан ёнингга келолмадим! Оналик вазифамни бажаролмадим, жигарпорам!..

- Ўлим хабари берилди-да. Ҳамма пешин пайтида тайёр турсин деган маънода.

- Кўммай нима қиласиз?

Кўмишни кўрсатиб қўяман, дедим ичимда. Менимча, вужудимдаги бор ҳужайралар айни пайтда исён ҳолатида. Буни бутун танам билан ҳис қилиб турибман.

• \* \*

Бир соат кейин прокуратурада эдик. Нафисанинг онасининг ўрнига ариза ёздим. “Қизим бокира эмас деб, унга зулм қилишди. Қизим ўзини ўлдирди. Қизимни тиббий текширувдан ўтказиб, хulosа берилишини ва айборлар жавобгарликка тортилишини истайман”, деган мазмунда. Онасига қўл қўйдириб, прокуратурага топширдим.

“Тез ёрдам” машинаси, ўн чоғли жандарм, шифокор ва ҳамшира, бир жип билан қишлоқقا қайтдик. Уч-тўрт соат ичида шунча ишга қандай улгурдим, ўзим ҳам билмайман.

Нафисани “Тез ёрдам” машинасига олдик. Машинани энди жилдиришмоқчи эдики, марҳуманинг эри келди. Бўлган воқеани энди эшитибди. Машинага ёпишганча дод-фарёд қила кетди.

- Сен учун ҳар куни ўлар эдим, сен ўзингни ўлдирдингми, гулим?!

- Аввалига инсонларни ўзини ўлдиришга мажбуrlайсизлар, кейин эса дод-фарёд қиласизлар. Модомики, эр экансан, хотининг депрессияга тушганини сезмадингми?!

“Тез ёрдам” машинаси кетди.

Юзига пича тикилиб турдим. Нима десам экан ҳозир бу аёлга? Қаттироқ гапиришнинг мавриди эмас. Нафисанинг бошига солганларини ўйлаб, яхши гапиргим келмаётган эди. Шунчаки сўрадим:

- Сиз нега келасиз? Нафисанинг кими бўласиз ўзи?.. Кетдик, Ҳасан бей.

Бундай нарсаларга ҳеч тоқатим йўқ. Аллоҳим, ё одамлар мени тушунадиган кунларни кўрсат, ёки юрагим мени тарк этсин. Баъзан жуда чарчаб кетяпман.

- Жуда яхши бўлади, - дедим унга. - Бечор хотин битта золимдан қутулади.

Машинада кетаётиб, ортимга ўгирилиб қарасам, одам бир аҳволда. Ичидан ўтганларни билинтирмасликка уриняпти чоғи. Йўқ, кўнгли бўшлик қилмаслигим, бу одамни кечирмаслигим керак. Ахир, унга кечагина айтдим-а қизинг ўзини ўлдириб қўяди деб. Ўйлаганларимни албатта амалга оширишим зарур!..

Анча вақтдан кейин тиббий хулосаларни олдик. Хулосаларни дарров ўқиб чиқдим.

Нафисанинг онасидан “Жаноза қайси уйдан чиқарилсин?” деб сўрашди.

Жаҳлим чиқиб кетди. Одамларни бунчалик жоҳил қилиб қўйганлар қайси инқилоблари билан мақтанишаркин?.. Ҳеч шуни тушунмайман...

Нафисанинг онаси розилик берди. Авзойимни кўриб тургани учун қаршилик қилмади. Ундай отанинг уйида Нафисанинг ўлиги нима қилади? Изтироб чексин у одам ҳам. Балки тавба қилас. Бундан кейин ўқир, илм олар. Бошқа қизларига одамга ўхшаб муомала қилишни ўрганар.

Пешинга аzon чақирилди. Намоз ўқилди. Энди жаноза намози ўқилади. Дарров микрофонни топиб, қишлоқ аҳлига хитоб қилдим:

- Диққат, диққат! Нафиса ҳақида сизлар умуман эшитмаган гаплар айтилади. Аллоҳи ризоси учун масжид эшигига келишингизни илтимос қиласман. Айниқса, аёл-қизларнинг келиши жуда муҳим!

Шифокор бейдан тиббий хулосани микрофонда ўқиб беришини илтимос қилганман. Қарасам, Нафисанинг отаси кўринмаяпти. Шифокордан ўн беш дақиқача кутиб туришини сўрадим. Ёнимга давлат маъмурларидан икки кишини олиб, тўғри Нафисанинг қизлик уйига бордим. Отасига масжидга келиши кераклигини айтидим. “Бормайман”, деб туриб олди. Яхши гапириб ҳам кўрдим, ёмон гапириб ҳам. Ниҳоят бир амаллаб кўндиридим. Аслида қизини асрраб қололмаган одамнинг

миясининг қатиғини чиқаргим келяпти, лекин аза куни бўлганидан ўзимни босиб турибман.

## ЖОҲИЛИСТОН КЕЛИНИ. (20-қисм)

24 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

Шифокор тиббий хulosани содда туркчага ўгирган ҳолда ўқий бошлади. Марҳуманинг исм-шарифини, суд-тиббиёт экспертизаси ўтказилиши сабабини айтгач, натижани эълон қилди:

Нигоҳим Нафисанинг эрига тушди. Ҳиқиллаб йиғлаётганди. Нафисанинг отаси эса қовоқ уюб олганди.

Аслида тиббий хulosани ўзим ўқимоқчи эдим, лекин маҳрам масала бор, шунча одамнинг олдида айтолмайман. Шу масалани деб қанчадан-қанча келинчаклар тўй кечасиёқ ота уйига қайтариб юборилган. Авваллари ғарбий ҳудудларимизда ҳам урф-одат шунаقا экан, лекин у ерлар диндан узоқлашиб, зино деган нарса “эркинлик” билан “ҳал қилинди”. Ҳолбуки, зинога кўз юмиш эмас, балки бу масалани эътиқодимизга мувофиқ ҳал этишимиз, ҳалқ бехабар бўлган нарсани ҳалқа ўргатишимиш керак эди. Ҳар бир қизда ҳам илк кечада қон келмаслиги мумкин. Биламан, бундай мавзууларни гапирган ҳам, ёзган ҳам таъна-маломатнинг остида қолади, лекин минглаб қиз-йигитларни руҳий тушкунликдан қутқариш учун бу нарсалар гапирилиши керак.

- Нафисада ўтказилган текширув натижасида унинг бокира экани, иффат пардаси саккиз сантиметр ичкарида ва эластик бўлгани сабабли бутун қолгани, оқибатда қон келмагани аниқланди.

Нафисанинг эри ва отасига қарадим. Донг қотиб қолишганди. Ажабо, қайнэгачи йиғлаётган эди.

- Дўхтири-и-р! Дўхти-и-р! Нега бунаقا нарсаларни бизга аввалроқ ўргатмагансизлар?! Нега мен ўқиган китобларда бу гаплар йўқ? Нега давлат бизга маълумот бермади?!

Жоҳилликнинг қурбони бўлдик-ку! Энди бу виждан азоби билан қандай яшайман?! Ўлдирадиган уколингиз бордир, мени ҳам ўлдириб қўя қолинг!!!

- Нега домлалар, имомлар бизни огоҳлантирмади? Қанча китоб ўқидим, қанча хутба эшилдим, ҳеч бирида бу гаплар йўқ эди-ку! Энди мен қандай яшайман?! Биладиганлар айтсин, қандай яшайман?!

- Болам! Жоним болам! Кўзларингни оч... Сенга бир гап айтаман... Яқинда орқангдан келаман, қизим... Жоҳил отангни кечир...

Ортиқ чидолмайман, дўстлар. Озроқ тин олгандан кейин давом эттираман ёзишни...

Ҳатто тоғу тошлар ҳам йиғлаган бу кунда кимнинг ғами бошқаларникидан кўпроқ деб ўлайдим. Афсус, инсон бўлиб бир нафим тегмади. Нафисанинг тобутини қабристон томон олиб кетишаётганида дод-фарёдлар оламни бузай деди. Тупроқдан келган Нафиса яна тупроққа қайтди.

Намозшом арафасида Нафисанинг эрини кўргани бордим. Жамил Мерич “Икки севлигидан бири вафот этса, аслида ўлган бу дунёда қолганидир” деган гапини эсладим. Тўғри, Нафисанинг эридан қаттиқ жаҳлим чиққан эди, уни номигагина эр деб атагандим. Лекин айб фақатгина унда эмас. Уни хабардор қилмаганларнинг ҳам, ёзувчилару ота-оналарнинг ҳам айби бор.

Ҳамма хижолатда. Катта келин мени кўриши билан бўйнимга осилиб йиғлай бошлади.

Бу гап қайнанага оғир ботди:

Нафисанинг эри ичкарида ёстиқни қучоқлаганча йиғлаб этган экан. Менга кўзи тушиши билан олдимга келди.

- Устоз! Унинг учун кўп ҳаракат қилдингиз, номини оқладингиз. Сиз бўлмаганингизда отасининг уйидалиги пайтида зинога қўл урган бузуқи деб эсланар эди. Минг раҳмат сизга. Аввалига сиздан жаҳлим чиққан эди, энди сизни дуо

қиляпман. Нафиса мен ҳақида сизга нималар деган эди? Гапириб беринг, илтимос.

Орага қайнана суқилди:

- Онажон! Ҳозир шу савол сўраладиган пайтми? У қаро ерга кирди, биз эса қамоқقا кирайлик. Шунга лойик эмасмизми?..

- Хотингни илк кечда дўппослайсан, акс ҳолда сени эр ўрнида кўрмайди, дейишиди. Бундан ташқари, мушукнинг оёқларини йириш кераклигини айтишиди. Мен ўқимишли одамман, лекин ўқиш бошқа, уқиш бошқа экан. Нафисани ёқтириб қолганимда ўн уч ёшда эдим. Агар айтилганларни қилмасам, у мени эр ўрнида кўрмайди, мен эса аламимдан ўлиб қоламан деб ўйладим.

- Ҳар куни юзини кўриб туришим учунгина ажрашмадим.

Бир кишини ҳам қаттиқ севадиган, ҳам уни ўлдиргудай қилиб азоблайдиган одамни ким деб аташ мумкин, билолмадим. Аввал бунақасига ҳеч дуч келмаган эканман.

- Ҳа.

Осудани ёнимга олиб, Нафисанинг ота уйига бордим. Отаси уйида йўқ экан. Қабристонга кетибди. Биз ҳам қабристонга йўқ олдик. Қош қорайиб қолганди. Нафисанинг отаси қабрни қучоқлаганча йиғлар, уни тинмай ўпарди. Мени кечагина калтаклаган одамга раҳмим келиб кетди.

- Менинг ҳам жигарпорам ўлган, ҳалигача қабрини зиёрат қилганимда, ўзимдан кетиб қолай дейман, - дедим унга яқинлашиб. - Лекин ўлган одамга қўшилиб ўлиб бўлмайди. Пушаймонсиз, шунинг ўзи кифоя.

- Кошки сизга қулоқ солганимда, қизим ҳозир тирик бўларди. Олдингизда айборман.

- Ўтган ишга саловат, мен эсимдан чиқардим. Туринг, уйингизга боринг. Хотинингиз, болаларингизнинг кўнглини кўтаринг.

Уни мажбурлаб уйига олиб бордик. Уйга одам тўлиб кетганди. Бир-икки оғиз гапириб, чиқиб кетдим.

## ЖОҲИЛИСТОН КЕЛИНИ. (21-қисм)

26 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

Қишлоқقا мотам чўккан эди. Қишлоқ раисининг Нафисага қилинган зулмлардан хабари йўқ экан. “Билганимда, бирор чора кўрган бўлардим”, – дейди.

Уйга қайтганимда хуфтонга аzon чақирилаётган эди. Қизлар ҳам қаттиқ хафа. Миндерга ўтириб, бошимни чангаллаганча уйга толдим. Миямда турфа фикрлар ғужғон ўйнаяпти. Бир маҳал Осуда билан кўзларимиз тўқнашди.

- Сиз келдингиз, Нафисани қутқарилган деб ҳисобласам бўлаверади, деган эдинг. Энди нимани ўйляяпсан, Осуда?

- Ундай деманг, устоз. Сиз қўлингиздан келганча ҳаракат қилдингиз.

Ғамга ботиб ўтарири эканман, Нафисанинг қайнанаси келиб кетди. Шикоятни қайтариб олишим учун ялиниб-ёлворди.

Нима қилай энди? Нафиса шунча азоб тортди. Кимдир бунинг жавобини бериши керакми?..

- Майли, сизларга ёрдам бераман, лекин шартларим бор. Биринчидан, уйингиздаги келинга муомалангизни яхшилайсиз. Аслида куёви ҳарбий хизматга кетган ота-оналар қизларини ўз уйларида олиб ўтиради. Лекин келингизнинг шароити бошқача.

Иккинчидан, ўғлингизга хат ёзиб, келингизни мақтайсиз. Ундан мингдан-минг рози эканингизни айтасиз.

Учинчидан, ўғлингиз ҳарбий хизматдан қайтганида, хотини билан алоҳида уйга чиқариб қўясиз. Бўлар-бўлмасга уларнинг ҳаётига аралашиб, турмушларини маҳкумларнинг ҳаётига айлантирмайсиз.

Ҳаммалари рози бўлишди, лекин Нафисанинг эри кўнмади.

- Турмага кириб, виждон азобини енгиллаштиришни ўйлаш ўрнига ўқиб-ўрганиб, ёшларга бу мавзуда маълумот бер. Менга ишон, мана шуниси фойдалироқ бўлади. Бошингга шундай ғам тушдики, эллик йиллик қамоқ жазосидан оғирроқ, - дея эътиroz билдиридим унга.

Уни кўндиришим қийин бўлмади. Зеро, ўзида эмасди. Буни қаранг, кечагина уни жазоламоқчи бўлиб тургандим, бугун эса ёрдам беришга уриндим. Дунёда ҳар куни бир хил нарса юз беравермас экан-да.

Уйга қайтдим. Еру кўкка сиғмай кетяпман. Қизларга истасангиз айлангани чиқинглар деб, ўзим Ҳаммоналарнинг олдига, пастки қаватга тушдим. Амина хола деразадан ташқарига тикилиб ўтирас, Ҳаммона эса овқат қилаётган эди. Мени кўриши билан йиғлаб юборди ва ўтиришим учун жой кўрсатди. Нафисанинг ўлими унга қаттиқ таъсир қилибди.

- Кўпам хафа бўлаверманг, эгачи. Ҳаммамиз ҳам мозорга кирамиз. Қозихона ҳам қозининг мулки эмас. Ўзингиздан қолар гап йўқ, ўлим - Аллоҳнинг амри, қўлимиздан нима ҳам келар эди. Лекин Нафиса яхши келин эди-да.

- Нима бўлди, қизим? Нега ўзингни ўлдирмоқчисан?

- Ўзининг онасига ҳам шунчалик иззат кўрсатар эдими?

- Бўлмасам-чи. Қайнана-қайнатам биз билан яшашарди. Уларни заррача хафа қилмаган. Бу имонсизнинг бу томони мусулмонлигича қолган, шунисига ҳайронман. Айланайин, эгачи, лекин менга бир оғиз яхши гап гапирмайди. Худонинг берган куни койииди, ҳақорат қиласди. Ҳаҳ, қуриб кетсин-а, бирорта ҳам яхши ишим йўқми менинг? Наҳотки бирорта ишим мақтовга арзимайди? Қўлинг дард кўрмасин дейиш шунчалик қийинми? Менинг учун касал бўл, сенинг учун жоним бераман деганлар. Ўзингиз айтинг, менга бир оғиз яхши гап айтмайдиган одамни қандай яхши кўрай? Ҳа, уят бўлса ҳам айтай, гоҳида яхши сўзлар ҳам чиқади оғзидан, лекин ўша ҳам ўзининг нафси учун. Ҳеч кўнглимга қарамайди бу одам.

- Йўғей, нималар деяпсиз? Айтган заҳотим сўйиб ташласа керак мени. Бу чол ўлақолса хатосини тан олмайди. Неча йиллардан бери жонимни парча-парча қилиб еб битирди. Ёшлигимда, уни яхши кўрган пайтларимда бошимнинг устида ўтирсин, оёғи ерга тегмасин дер эдим. Ёқамга тақилган олтин эди, ерга тушдию сариқ чақага айланди. Шу юрагим бир ёнадией, эгачи.

- Эҳ, эгачи-я. Қиймати йўқнинг харидори кўр бўларкан. Менда ҳам шунга ўхшаш иш бўлди. Эсиз, ёшлигим увол кетди. Эримнинг оғзидан ширин сўз чиқмайди деб, ўзимни бевага ўхшатаман. Чўпон олди боқقا кетди, бўри олди тоқقا кетдига[1] ўхшайман. Мана кўриб турганингиздек, ёшлигимдан асар ҳам қолмади. Эркакнинг яххиси хотинни тетик сақлайди, дерди онам. Чолим эса мени нима аҳволга соганидан бехабар. Нима қилай, болаларимни деб чиқдаб юрибман-да. Орқасидан ҳам гапирмасам, портлаб кетаман.

- Эрингизга ундей қилманг, сиздан кўнглим қолади, демадингизми ҳеч?

- Нима қилай, мени қўрқитиб қўйган-да. Ундан олдин эса отам қўрқитган эди. Ҳозир чолим қуёшга айланиб қолса, иссиғида ҳатто рўмолчамни ҳам қуритмайман.

Амина хола зерикиб кетган эди:

- Мен билан ҳам озроқ гаплашсаларинг бўлмайдими? Юрагим сиқилиб кетди, ахир.

Дарҳол Амина хола томонга ўгирилиб, у билан суҳбатлаша бошладим. Лекин шунчалик сиқиляпманки, кўкка учиб чиқсангина сал енгил тортсам керак. Нафиса ўлди, энди эрига ачиняпман. Ишқилиб унга ҳам бирор кор-ҳол бўлмасин. Акс ҳолда баттар ғамга чўмаман.

Амина холадан ўтган-кетганлар ҳақида сўрадим. Бир замонлар нималар кўрганини гапириб берди. Қуръонга оёғи билан босган аскарни эслади. “Қуръон уради дер эдинглар, қани, урсин-чи!” - деб бақирибди у. Бошқа аскар эса бундан қаттиқ хафа бўлибди, яширинча кўз ёши тўкибди. Ўшанда

Амина хола саккиз ёшли қизалоқ экан. “Йиғлаганимни ҳеч кимга айтма”, – деб илтимос қилибди.

– Динсиз бўлса, босиши мумкин. Динга ишонадиган одам бундай қилмайди, – дея жавоб қайтардим. – Душманнинг қўлига тушиб қолиб, ё Қуръонга босасан, ёки ўласан, деб шарт қўйилса, бу бошқа гап. Нима қилишни ўзи танлайди.

Амина хола гапларимнинг ҳаммасини ҳам тушунгани йўқ. Лекин гаплари пойинтар-сойинтар эмас. Арманлар ҳақида ҳам кўп нарса билар экан.

– Яхши одамлар эди арманлар, яхши қўшничилик қилганмиз. Ораларида беш йил юрганман. Кейин ким гижгижлади билмайман, ҳамма ёқقا ўт қўйиб, вайрон қилиб қочишга тушишди. Биз ҳам қочдик у ердан. Уларни ким гижгижлаганини ҳалигача билмайман. Билмасдан ўтиб кетаман энди.

Нега билмас эканман, албатта, биламан. Шаҳарда ҳам бор бу таомлар. Ҳаммона шаҳардагилар бошқача нарсалар ейди деб ўйлайди чоғи. Қандай замонларга қолдик, қишлоқликлар шаҳарликларни, шаҳарликлар эса қишлоқдагиларни танимайди. Шаҳарликларни саволга тутсангиз, Узоқ Шарқдаги бутпарастларни ҳам, Ҳиндистондаги сигирга сиғинадиганларни ҳам танийди. Аммо ўз юртининг қишлоқларида кимлар яшашидан бехабар. Чиройли қишлоқларни қўйиб, Европадаги майхоналару қиморхоналарга ошиқишиади, фахш ботқоқларини яхши кўришиади, нафснинг ортидан кетаверишиади...

Уйга қайтиб кирганимизда Амина хола ўзига-ўзи гапириб ўтирган экан. Кўзлари ёшга тўлибди. Кўзойнагини чиқариб қўйиб, биз кетгандан кейин уруш ҳақида гапиришга тушган экан. Бизнинг ташқарига чиқиб келганимизни ҳатто сезмади ҳам.

– Бир мисол айтай. У пайтлар ҳўқизнинг боши қадар мусулмон бор эди юртимизда, кофирларнинг сони ҳўқизнинг қолган қисмича келарди. Ўша вақтлар бир қўшиқ бўларди, озроғи эсимда қолган:

Хозир инглиз қолибдими? Французлардан-ку, умуман ижирғанаман.

Амина хола бир пайлар үлкемизга бостириб киргандардан ҳалигача нафратланар экан...

## ЖОХИЛИСТОН КЕЛИНИ. (22-қисм)

28 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

Нафисанинг отаси қудаларининг устидан шикоят қилибди. Нима қилсам экан деб роса ўйладим. Нафисанинг онасидан шикоятни қайтариб олишларини сўрасам, мархумага ҳақсизлик қилган бўламанми? Гарчи улар шикоятни қайтариб олса-да, давлат домангир бўлади. Аросатда қолдим. Нима бўлган бўлса, Нафисага, унинг отасига ва эрига бўлди. Қизиқ, бу юртда раҳбарлар ва қонун чиқарадиганлар ўша қонунларнинг оқибатини ҳам сўраб-суриштиришадими?.. Қонунлар халқнинг эътиқодига тўғри келадими?.. Маданият вазирлиги қишлоқларга қандай маданият етиб бораётганидан хабардорми?..

Ўйлаб-ўйлаб ниҳоят бир тўхтамга келдим. Ҳозирча бу ишларга аралашмайман. Истанбулга қайтганимдан кейин фатвосини суриштириб топиб, шунга қараб ҳаракат қиласман. Бу одамларга ҳеч нарса ўргатилмабди. Зеро, шунчалик хафа бўлишди, шунчалик пушаймон бўлишдики, аламдан оилавий ётиб қолишибди. Нафисанинг эри қабристонга бориб, йиғлаб-йиғлаб келяпти экан. “Бу аламга қандай чидайман? Нега бизга ҳар қандай разиллик ўргатилдию билишимиз керак бўлган нарсалар ўргатилмади?” – деб сўраётган эмиш.

Хаспўшлаб бўлмайдиган ягона нарса виждондир. Нафисанинг эри виждон азобидан қийналаётганини эшишиб, унга раҳмим келди. У билан учрашиб, кўпроқ мутолаа қилиши, намозда ва саждада Аллоҳдан сабр тилаши кераклигини, мен ҳам кўп азоблар тортганимни, ибодат ва дуоларнинг шарофати билан Аллоҳ мени сабр билан сийлагинини, умрага бориб

маънавий ҳузурга эришганимни гапириб бердим. “Ҳаётни ўрган”, - дедим унга. Яна нималарга гувоҳ бўламиз, Аллоҳ билади. Бу - фоний дунё. Фонийликни ич-ичдан ҳис қилишимиз зарур.

- Миямга қуртдек тушиб, кемиришди. Ҳаётимни тўғрилаш ўрнига кетма-кет хатога йўл қўйишди. Ҳаммамиз бир бўлиб фариштадек хотинимнинг бошига етдик. Мен бегуноҳман, деб роса йиғлаганди, лекин унга ишонмадик. Энди аламимни ҳеч нарса бостиrolмайди, - деди.

### Меҳнатлар ҳабата бўлмас

Менимча, энг катта аlamга Нафисанинг отаси дучор бўлди. Ўз боласини билиб туриб ўлим томонга итариб юборган одамнинг аҳволи қандай бўлиши мумкин?..

Нафисанинг эрини ҳар сафар учратганимда янада ҳорғинроқ кўряпман. Ҳар гал менга раҳмат айтади. “Хотинимнинг номини оқладингиз, умримнинг охиригача миннатдорман”, - дейди.

Неча кундан бери талабаларим билан тузук-қуруқ гаплаша олмаган эдим. Улар билан суҳбат қурдим. Гап айланиб яна ўз жонига қасд қилиш мавзусига бориб тақалди.

- Ундей жой йўқ. Жаннатдан ташқари ҳамма жойда ўз жонига қасд қиладиганлар топилади. Қаерда кўнгилхушлик, ялим-яланғочлик, динсизлик тарғиб қилинса, ҳаром-хариш эркин бўлса, ўша жойда ўзини ўлдирадиганлар кўпроқ топилади. Маънавиятсизлик инсонни маҳв қиласди.

- Бу тахлит ҳаёт тарзи билан кўпга бормайди, албатта. Вазиятнинг тузалиши бир нечта шартларга боғлиқ. Энг ёмон одамлар, ҳатто душманимиз билан ҳам инсоният қаерга кетаётгани ҳақида гаплашишимиз, яхши гаплар билан тушуниришимиз зарур. Ўқинглар, дунё сизларни кутиб турибди, деганимнинг сабабини энди тушунаётгандирсиз.

Қизлар ичида энг кўп эътиroz билдириб турадиган Закия бу сафар ҳам жим турмади:

- Ўзидан-ўзи ўзгариб қолмайди-ку. Ўзгариши учун унга тұғри маълумотларни тушунтириш керак.

- Йўқ, лекин орқаваротдан эшитганман. Масалан, Кёльнда яшайдиган дугонам Сумайя бир қўшнисини қўрсатиб, қизи бир ҳафта олдин жонига қасд қилганини айтганди. Жуда ҳайрон бўлдим, чунки қўшни аёл қизи ўлганга ҳеч ўхшамасди. “Ўзини ўлдирмасин эди. Ўзининг танлови, эркинлик бор”, дебди. Мен танийдиган бир қиз синфдоши Сели ҳақида гапириб берганди. “Яшашдан мақсад нима ўзи? Бу ҳаётда жуда зерикиб кетдим”, деб ўзини ўлдириби. Таниш-билишлардан ўн бешга яқин шунаقا ҳодисани эшитганман. Бир нарсани айтишим керак: Европа мамлакатлари билан солиштирилса, бизнинг юртимизда ўзини ўлдириш ҳодисалари анча кам. Ҳар ҳолда, ҳозирча шундай.

Европада ҳамма нарса мукаммал деб ўйлаш нотұғри. Туркияда учрайдиган разолатлар Европада йўқми? Албатта, бор. Европа турмаларидағи мусулмонлардан сўраб кўринглар, қандай қийинчиликларга дуч келишганини айтиб беришади. Баъзи қамоқхоналарда яҳудийларга чўчқа гўшти берилмайди, лекин мусулмонларга чўчқа гўшти солинган овқат берилади. Чунки бизнинг консулларимиз, элчиларимиз ўз ишини бажармайди. Европа давлатларидан бирининг турмасида қўриқчи бўлиб ишлайдиган мусулмон аёл шундай деган эди: “Илтимос, турк бошлиқларга айтинг, бу ердаги қардошларимиздан хабар олишсин. Исройл консуллиги хабар олади, шунинг учун ҳам яҳудийларга алоҳида таом берилади”.

Европалик ирқчиларнинг қўлида сон-саноқсиз мусулмон қурбон бўлди. У юртларда аёлларнинг очик-оидин сотилишини айтмайсизми. Афсуски, бизнинг юртни бошқарадиганлар ҳам аёлларнинг сотилишини эркинлик деб ўйлайди.

Ўз жонига қасд қилиш ҳаддан ташқари кўп, ўғирлик ундан зиёда. Қотилликларнинг адоги йўқ. Дунёning қаериладир бирор мусулмон кимнидир ўлдирса, бутун мусулмонларни айблашга тушиб кетишади. Мутаассиблари тиқилиб ётибди. Албатта, европаликлар орасида ҳам яхшилари бор, улар бошқача.

Хотинини калтаклайдиганлар Европада ҳам, Америкада ҳам бор. Лекин негадир бу нарса фақат мусулмон мамлакатларда бордек қилиб кўрсатилади. Исломда аёлларнинг қадри йўқ, бир эркак тўрттагача уйланиши мумкин деб ёмонотлик қилишга уринишади. Ўша ғарблик эркакларга қарасангиз, ҳаётида камида йигирма-ўттиз аёл билан бирга бўлган...

Амина хола билан сұхбатлаша бошладим. Яна эски гаплардан гапиришга тушиб кетди. Кексалар билар сұхбатлашишнинг гашти ўзгача-да. Яна кулишдик. Амина хола одатдагидек баъзи гапларни нотўғри тушуниб, умуман бошқача жавоблар қайтарди.

Нонуштага астойдил тайёргарлик кўришибди. Осуда сепидан пушти гулли дастурхонни чиқариб ёзибди. Чақчақлашиб дилимизни ёздиқ. Ўлганларга қўшилиб ўлолмаймиз-да...

- Қандай бўларди, тақа билан михнинг орасида яшаб юрибман-да.

- Туби кўринмайдиган сувдан кечиб ўтишга уриняпти, уйнинг орқасида нималардир қиляпти. Мияси товуқнинг миясичалик эмас лекин.

- Ундей деманг. Гинасини динидек асраганлар ҳалок бўлади. Хафалигингишни тушунаман, лекин сиз тинмай қарғайсиз ҳам.

- Нима дей, эгачи? Айтсан ишонмассиз, келишингиздан аввал мен ё келиним ундан сўкиш эшитардик, дабдуристдан шапалоқ ҳам тортиб юбораверарди. Ҳаёт дегани шунаقا бўладими? Адои тамом бўлдим. Айтишади-ку, темирни нам, одамни ғам чиритади.

Энди тикмоқчи бўлган эди, машинанинг ипи узилиб кетди. Ипни уладию машина барибир ишламади. Уёқ-буёғига қараб, тушун олмади. Машинага беш-олти марта мушт туширди.

Ҳаммонанинг гапига роса кулдим. Нафиса ўлганидан бери бундай маза қилиб кулмаган эдим. Уни пича кузатиб тургач, ичимдагини айтдим:

- Ҳатто унга ошиқсиз.
- Қўйсангиз-чи телба-тескари гапларни, кўнгилимни беҳузур қилманг.
- Бу қаршисидаги одамга боғлиқ-да. Фақатгина Аллоҳни алдаб бўлмайди, одамларни алдаш мумкин.

#### ЖОҲИЛИСТОН КЕЛИНИ. (23-қисм - охирги қисм)

30 iyun 2020. Muallif: Bayyina.uz

- Эрим ҳақида нима дедингиз? Яна бир марта қайтаринг.

Мана шу савол - калаванинг учи. Бир аёл эридан чиндан ҳам нафратланса, севиш-севмаслигига қизиқиб ўтиrmайди. Эри уни севишини билса борми, баттар асаби бузилади.

- Менинг бир қариндошим эри билан машинада Анқарага борадиган бўлибди. Иккаласи йўл бўйи сухбатлашиб кетишибди. “Сени шунчалар севдимки, agar сенга уйланмаганимда, камида ақлдан озиб қолган бўлардим”, дебди эри унга. Аёл таажжубга тушибди. Сўнаёзган меҳри қайтадан товлана бошлабди. Эр хотинликнинг тўртта устуни бор экан: маҳрамият, меҳр-муҳабbat, сабр ва илтифот. Менимча, эрингиздан бунчалик хафалигингиzinинг сабаби, у сизга илтифот кўрсатмайди. У сизни яхши кўриши ёки кўрмаслигини ҳам билмайсиз. Оқибатда ичингизда алланечук бўшлиқ ҳис қиласиз. Бўшлиқлар эса ё фойдали нарса билан тўлади, ёки зарарли нарса билан.

- Сабр қиласиз, албатта. Лекин кўпинча эrimizdan эътибор кутиб илҳақ бўламиш-да. Ташқаридан келса ҳам, ташқарига чиқадиган бўлса ҳам, эrimizdan эътибор кутамиш. Биринчи бўлиб биз уларга табассум билан қарасак-чи. Ҳар бир аёл эридан меҳр, эътибор кутганидек, эркак ҳам кутади.

Кўпчилигимиз ёшимиз улғайса-да, болалигимизча қолавераман. Модомики, шундай экан, унда бир-биrimизни болаларча – беғубор яхши кўрайлик. Аёлни тушуниш қийин, эркакни ҳам. Ҳамма бир-бирини тушунишга ҳаракат қилиш ўрнига мени тушунишлари керак, дейди. Муаммолар мана шу жойда бошланади...

Кутилмаган иш бўлди. Нафисанинг ота-онаси, эри олдимга келишди. Қишлоқда яна озроқ қолишимни илтимос қилишди. Айниқса Нафисанинг эри Сабри йиғлаб ёлворди:

Эътибор берган бўлсангиз, Сабрининг исмини биринчи марта тилга оляпман. Ундан қаттиқ жаҳлим чиққани учун исмини айтишни ҳам истамаган эдим.

Фурсат топиб, Ҳасан бей билан гаплашдим. Нега аёлларга қўл кўтаришини сўрадим. Аллақандай бидъат-хурофотларни сабаб қилиб кўрсатди.

– Тасаввур қилиб кўринг-а, сиз аёл кишилиз, Ҳаммона эса эркак ва сизнинг эрингиз. Бундан хурсанд бўлармидингиз?

– Хўп.

Кўринишидан билиниб турибдики, албатта, ўйлаб кўради...

Ҳасан бейга ботил ва ботил бўлмаган урф-одатларни тушунтиришга уриндим. Аввалига эркакларни заҳарлашди, энди эса эркакларнинг қиймати йўқ деб, аёлларни заҳарлашяпти, дедим.

Осудага совчилар келди. Қизгинанинг типирчилашини кўрсангиз.

– Устоз! Мен тамом бўлдим! Ўлдим!

Хўнграб йиғлаётган эди. Отаси розилик бермади шекилли деб ўйладим.

– Йўқ, устоз, ундей эмас! Фарҳоднинг отаси мени ўзига сўраб келибди. Ўз қулоқларим билан эшитдим.

Ичкаридан Фарҳоднинг онасини чақиртирдим.

- Сиз Фарҳоднинг онасисиз, тўғрими? - дея сўрадим важоҳат билан.

Аёл қоп-қора кўзлари билан менга бошдан-оёқ қараб чиқди. Икки қўлини белига тираганча жавоб қайтарди:

- Фарҳодга-да. Бошқа кимга бўлиши мумкин?
- Нималар деяпсиз, эгачи? Исмини айтмасдан бўларканми?
- Нима бўлди, устоз? - деди мени кўриши билан.

Осуда қулоқларига ишона олмади. Бир неча сониядан кейин ўзига келгач, хурсанд бўлиб кетди.

Эҳ, ёшлар!

Ёрингизга етишгунча туман қоплаган тоғлар кўзингизга олтин бўлиб кўринади. Кейин эса олтинни кўрмай қоласизлар. Майли, севинглар, лекин меъёрни унутманглар. Севгилингизни илоҳлаштириб олманглар. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ деб, севлигингиздан бошқасини ўйламайдиган бўлиб қолманглар. Кунда бор вақтини севлигисига ажратганлар вақт берган Аллоҳ учун бир соатини ажратмаса, севгилисини илоҳлаштириб олган бўлайдими?..

\* \* \*

Бизни маданият олиб келдик деб алдашгани, одамларимизни жоҳиллаштиришгани ҳақида ўйладим. Шаҳарларда бир ҳовуч аёлни кўчага ич кийимсиз чиқариб қўйиб, шуни маданият деб аташди. Ҳолбуки, маданият дегани Аллоҳ белгилаб қўйган ўлчовлар доирасида инсон бўла олишдир.

Тўғри, аёлларимиздан паранжини, сизларга эргашган фарзандларимизнинг кўпидан номусини, иффатини, динини, ҳатто ич кийимини ҳам олиб қўйдингиз. Танасини кўрсатишга уринганлар телевидениени тунги клубга айлантириб олди.

Уларга уялинглар дегим келадию, уят деган нарсани билганларида шу ишларга қўл уришмас эди. Ислом душманларига тақлид қилмаган бўлишарди.

Қачонки, жаҳолат туфайли бир инсонга зулм қилинаётганини кўрсам, сизни эслайман, эй, инсонийликни чиритганлар!

Бизни ҳақорат қилишгани, қолоқ деб аташгани ортиқча! Аслида қолоқ уларнинг ўзи. Ўзини замонавий деб атайдиганларга саволим бор: сиз илғор бўлиб, бу юртга яланғочликдан бошқа нима олиб келдингиз?.. Агар чет элда ишлайдиганлар бўлмаганида, Туркия ҳозиргидан ўн баравар ёмонроқ аҳволда бўларди. Чунки бошқаришни удалай олмадингиз. Рўмол ўраганларни, намоз ўқиганларни сиқувга олишдан вақтингиз ортиб, одамларнинг таълими билан шуғуллана олмадингиз. Ҳатто инсонийлик нима эканлиги ҳам ўргатмадингиз. Аллоҳ яратган инсонни ўз-ўзидан пайдо бўлган деб, болаларимизнинг миясини заҳарладингиз.

\* \* \*

Кетиш арафасида Осуда йиғлаётган, лекин кўз ёшларини яширишга уринаётган эди.

- Устоз!

- Лаббай.

ТАМОМ